БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 42 (533)
25 ФЕВРАЛЬ ШАНБА 1956 ИИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езди КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини тамомила ма'қуллади.

С'езд Марказий Комитетнинг ҳисобот докладидаги таклифлар ва хулосаларни ма'қуллаб кенг резолюция қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг резолюцияси

(1956 йил 24 февральда бир овоздан қабул қилинган)

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иши тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ҳисобот докладини эшитиб ва муҳокама қилиб қарор қилади:

КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолияти тамомила ва тўла равишда ма'қуллансин;

Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида баён қилинган таклифлар ва хулосалар ма'қуллансин.

С'езд мамнуният билан қайд қиладики, Марказий Комитетнинг, Совет Ҳукуматининг ленинча сиёсати ва совет халқининг қаҳрамонона меҳнати натижасида барча социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорликда мамлакатимизда коммунизм қуриш учун ва бутун дун'ёда тинчлик учун курашда ғоят катта муваффақиятларга эришилди.

С'езд КПСС Марказий Комитети томонидан ҳисобот даврида саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида Ватанимизнинг қудрати янада кучайишини, социалистик экономиканинг янада кучли суратда юксалишини ва совет халқининг фаровонлигини янада анча оширишни та'минлайдиган ва ўз вақтида амалга оширилган тўғри тадбирларни қизғин ма'қуллайди.

С'езд та'кидлаб кўрсатадики, КПСС Марказий Комитетининг муваффақиятли фаолияти марксча-ленинча та'лимотни ижодий равишда татбиқ этишга, коллектив раҳбарликнинг ва ички партия демократиясининг ленинча принципларига қаттиқ риоя қилинишига, партиямизнинг халқ билан чамбарчас боғланиши тўғрисидаги ленинча кўрсатмаларни оғишмай бажаришга асосланди. Шу йиллар давомида партия ўлмас Ленининг улуғ байроғини баланд кўтариб келди.

I.

С'езд қайд қиладики, **халқаро муносабатлар** соҳасида ҳисобот даври халқаро кескинликнинг ма'лум даражада юмшаганлиги ва халқаро майдонда тинчликни мустаҳкамлаш учун реал перспективалар вужудга келганлиги билан нишонланди. Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикаси ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари билан бирликда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган бирқанча энг муҳим ташқи сиёсий тадбирлар билан ўз вақтида майдонга чиқди. Бу чора-тадбирлар барча тинчликсевар кучлар томонидан актив равишда қўллаб-қувватланди.

Воқеаларнинг бутун бориши халқаро ривожланишда социализм позицияларининг мустаҳкамланиши томонига туб ўзгаришлар юз берганлигини яққол кўрсатмоқда. Давримизнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бу даврда социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланди, бунда, капитализм бу оламшумул тарихий процессга халақит беришга ожизлик қилиб қолди. Совет Иттифоқида, шунингдек Хитой Халқ Республикасида, Польша Халқ Республикасида, Чехословакия Республикасида, Венгрия Халқ Республикасида, Руминия Халқ Республикасида, Болгария Халқ Республикасида, Албания Халқ Республикасида, Германия Демократик Республикасида, Корея Халқ-Демократик Республикасида, Мўғулистон Халқ Республикасида, Вьетнам Демократик Республикасида кучли иқтисодий ва маданий юксалиш давом этмоқда, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошмоқда, халқларнинг ма'навий-сиёсий бирлиги ва уларнинг коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳамда халқлар томонидан эркин суратда сайланган ҳукуматларнинг теварагида жипслашуви мустаҳкамланмоқда. Шунингдек Югославияда ҳам социалистик қурилишда жиддий ютуқлар бор. Социалистик йўлдан бораётган мамлакатларда экономиканинг юксалиши соғлом негизда ва тенг ҳуқуқда ҳамкорлик қилиш ва қардошларча ўзаро ёрдам бериш тобора кўпроқ мустаҳкамланиб бораётган шароитда юз бермоқда.

Зонаси анча торайган капиталистик дун'ёдаги вазиятнинг характерли хусусияти шуки, унда чуқур зиддиятлар тобора кучайиб бормоқда. Капиталистик мамлакатларда урушдан кейинги ўн йил ичида экономикани милитаризациялаш ва зўр бериб қуролланиш, ташқи иқтисодий экспансияни кучайтириш, асосий капитални янгилаш ва меҳнаткашларни эксплуатация қилишни кескин суратда кучайтириш каби факторлар ёрдами билан ишлабчиқаришнинг бирмунча кўпайтирилиши капитализм экономикасини барқарор қилаолмади. Аксинча, капиталистик экономика янада кўпроқ беқарор бўлиб қолди. Капиталистик системанинг умумий кризиси тобора чуқурлашиб бормоқда. Капитализмнинг энг чуқур зиддияти — ҳозирги замон ишлабчиқаруви кучлари билан капиталистик ишлабчиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият — тобора кўпроқ кескинлашмоқда; мол сотиш бозорлари ва та'сир доиралари учун курашаётган капиталистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар чуқурлашмоқда; социал зиддиятлар ўсмоқда ва чуқурлашмоқда. Ишчилар синфини эксплуатация қилишнинг кучайиши, қимматчиликнинг ўсиши, ҳарбий мақсадлар учун солинаётган солиқларнинг кескин суратда ўсиб кетаётганлиги, бирқанча капиталистик мамлакатларда доимий ишсизликнинг мавжудлиги натижасида меҳнаткашларнинг турмуш даражаси пасаймоқда; ишчилар синфининг, кенг халқ оммасининг ўзининг ҳаётий ҳуқуқлари ва манфаатлари учун кураши кучаймоқда. Капитализм янги иқтисодий ва социал ларзалар сари тўхтовсиз бормоқда.

Шу вазиятда халқаро воқеаларнинг ривожланишида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки асосий йўл очиқдан-очиқ кўринди.

Бир томондан, реакцион американ доиралар бошчилик қилаётган империалистик давлатлар уруш тамом бўлганидан кейин орадан кўп ўтмай «зўравонлик сиёсати»ни юргизабошладиларки, бу шу давлатларнинг энг агрессив элементлари томонидан ишчи, демократик ва миллий-озодлик ҳаракатини бостиришга, социализм лагерига путур етказишга ва жаҳонга ўз ҳукмронликларини ўрнатишга интилишни акс эттиради. Бу сиёсат амалда ҳаддан ташқари зўр бериб қуролланишни, СССР чегаралари ва халқ демократияси мамлакатларининг чегаралари яқинида американ ҳарбий базалари қуришни, шунингдек социалистик лагерь мамлакатларига қарши қаратилган агрессив блоклар тузилишини, социалистик давлатларга қарши «совуқ уруш» деб аталган урушни авж олдиришни ва янги қирғин урушларга тайёрланишни билдиради.

Иккинчи томондан, жаҳон майдонида мустаҳкам тинчлик ва халқларнинг хавфсизлиги учун курашга отланаётган кучлар тобора кўпроқ ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда; бу кучлар уруш хавфига қарши ва иқтисодий ҳамда социал системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун актив курашни кенгайтирмоқдалар. Шу билан бирга, жаҳон воқеаларининг боришига тобора кўпроқ та'сир кўрсатаётган халқаро социализм лагерининг тўхтовсиз мустаҳкамланаётганлиги ҳал қилучи аҳамиятга эгалир. Европа ва Осиёда бир группа тинчликсевар давлатларнинг жаҳон майдонига чиқиб, ҳарбий блокларда иштирок қилмасликни ўз ташқи сиёсатларининг принципи деб э'лон қилишлари муносабати билан тинчлик кучлари анча кўпайди. Шундай қилиб, Европа ва Осиёдаги социалистик давлатларни ҳам, социалистик бўлмаган тинчликсевар давлатларни ҳам ўз ичига олган ва ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилган кенг «тинчлик зонаси» вужудга келди.

Урушдан кейинги даврдаги оламшумул тарихий воқиа — империализм мустамлака системасининг емирилаётганлигидир. Сўнгги ўн йил давомида мустамлака ва ярим мустамлака халқларининг миллий-озодлик кураши катта ғалабаларга эришди: бир миллиард икки юз миллиондан ошиқ киши—ер юзи аҳолисининг қарийб ярмиси мустамлака ва ярим мустамлака қарамлигидан қутилди. Мустамлака системасини батамом тугатиш масаласи кун тартибига қўйилди. Жаҳон тарихининг улуғ Ленин олдиндан кўриб айтган янги даври, я'ни Шарқ халқлари бутун дун'ё тақдирини ҳал қилишда актив иштирок қиладиган, халқаро муносабатларнинг янги қудратли фактори бўлиб қоладиган даври бошланди.

Тинчликни сақлаш учун, меҳнаткашларнинг манфаатлари ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллиги учун олиб борилаётган энг қизғин кураш ичида турган коммунистик партиялар уруш хавфига қарши энг актив ва изчил курашчи эканликларини кўрсатдилар. Шу билан бирга, яна кўпгина бошқа ижтимоий доиралар ҳам урушга қарши позицияларни ёқлаб майдонга чиқмоқдалар. Тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари учун шу нарса жуда муҳимки, урушга қарши чиқаётган кучларнинг ҳаммаси бир фронт бўлиб ҳаракат қилишлари ва тинчликни сақлаш учун курашда ўз ғайратларини сусайтирмасликлари лозим. Ишчилар ҳаракатидаги ажралишни бартараф қилиш ва коммунистик партиялар билан социалистлар, шунингдек амалда тинчликни сақлаб қолишни, империалистик зулмга қарши курашни, ўз халқларининг миллий манфаатларини, демократия ва мустақилликни ҳимоя қилишни истайдиган бошқа партиялар ўртасида амалий ҳамжиҳатлик ўрнатиш бу ишда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

С'езд КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати томонидан юргизилаётган тинчликсевар ташқи сиёсатни ма'қуллайди, шу сиёсат туфайли халқаро кескинликни юмшатиш, тинчликни мустаҳкамлаш ва демократик кучларнинг позицияларини мустаҳкамлаш ишида катта муваффақиятларга эришилди.

Партия XX с'езди Марказий Комитетнинг ва Совет Ҳукуматининг тинч-тотув яшашнинг ленинча принципи асосида муносабатларни яхшилашга, барча мамлакатлар билан ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган йўлини мутлақо тўғри йўл деб ҳисоблайди. Халқаро муносабатларнинг кўпгина давлатлар ва кенг жамоатчилик қатламлари э'тироф қилган ма'лум беш принципи — территория бутунлигини ва суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, ҳужум қилмаслик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, тинч-тотув яшаш ва иқтисодий ҳамкорлик қилиш принциплари бу жиҳатдан катта роль ўйнаши мумкин. Бу принциплар ҳозирги шароитда социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг ўзаро муносабатларининг энг яхши формуласи бўлиб, улар бутун ер юзидаги давлатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик муносабатларининг негизи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа тинчликсевар давлатларнинг қуролсизланишга ҳамда атом ва водород қуролини тақиқлашга, Европада коллектив хавфсизликни та'минлашга ва Осиёда коллектив хавфсизликни та'минлашга қаратилган таклифларининг тўғрилигини ва ўз вақтида қилинган таклифлар эканлигини ҳаёт тамомила тасдиқлаб берди, — бу энг муҳим проблемаларнинг ҳал қилиниши мустаҳкам ва узоқ давом этадиган тинчлик учун асос яратиб беради ва тартибга солинмаган бошқа муҳим проблемаларнинг, шу жумладан, Германия масаласининг ҳал қилинишига ёрдамлашади.

Жаҳонда энг йирик икки давлат бўлган Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида, шунингдек Совет Иттифоқи билан Англия ва Франция каби буюк давлатлар ўртасида мустаҳкам дўстона муносабатлар ўрнатилиши бутун дун'ёда тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлур эди.

XX с'езд бу мақсадга эришиш йўлида совет томонидан кўрилган чораларни тўғри ва ўз вақтида кўрилган чоралар деб ҳисоблайди ҳамда уларни батамом ма'қуллайди.

Европа халқларининг мустаҳкам тинчлигини ва хавфсизлигини та'минлаш манфаатлари Совет Иттифоқи билан Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни янада яхшилашни талаб қилади. Совет Иттифоқи, шунингдек Буюк Британия, Франция, Италия ва худди шунингдек Польша, Чехословакия, Югославия, Швеция, Финляндия, Норвегия, Греция, Австрия ва Европадаги барча мамлакатлар, территориясида биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг асосий жанглари бўлиб ўтган Европада янги урушнинг чиқишига йўл қўймасликдан жуда манфаатдордирлар. Немис халқи ҳам бундан жуда манфаатдордир. Шундай қилиб, Европадаги барча давлатлар ва халқлар янги ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш учун курашда ўзларининг умумий манфаатларини бирлаштирмоқдалар.

Совет Иттифоқининг Шарқ мамлакатлари билан дўстлигининг ва ҳамкорлигининг кенгайиши ва мустаҳкамланиши ҳозирги халқаро вазиятда ғоят катта роль ўйнаши лозим. XX с'езд бу вазифани ҳал қилишга катта аҳамият бериб, сўнгги вақтларда Ҳиндистон Республикаси ҳамда Бирма, Афғонистон ва Миср билан яхши, дўстона муносабатлар ўрнатилганлигини ма'қуллайди.

Араб мамлакатларидаги халқларнинг ўз миллий мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш учун тобора кучайиб бораётган интилиши тинчлик ва демократияни мустаҳкамлаш ишига мувофиқдир.

XX с'езд Совет Иттифоқи билан унга чегарадош бўлган деярлик барча давлатлар ўртасида дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилганлигини мамнуният билан қайд қилади. Шубҳа йўққи, СССР ва Эрон, Туркия ва Покистон ўртасидаги нормал муносабатлар бу мамлакатларнинг ҳаётий манфаатларига, халқларнинг тинчлик ва хавфсизлик иши манфаатларига мувофиқ келган бўлур эди.

Халқаро савдо-сотиқ ва маданий алоқаларнинг ривожланиши мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик учун асосни кенгайтириш ишида катта роль ўйнаши лозим.

XX с'езд қайд қиладики, икки системанинг тинч-тотув яшаши тўғрисидаги, ҳозирги даврда урушларнинг олдини олиш мумкинлиги тўғрисидаги ва турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари тўғрисидаги масалалар каби ҳозирги халқаро тараққиётнинг туб принципиал масалалари ҳозирги вақтда, айниқса катта аҳамият қозонди.

Социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашининг ленинча принципи Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг бош йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Партиямиз ўз мамлакатида коммунистик жамият қурилишига раҳбарлик қилиб, уруш очилишига қат'ий суратда қарши чиқмоқда. Партия, бирон мамлакатда янги ижтимоий тузум барпо қилиш ҳарбир мамлакат халқининг ўз ички ишидир, деган ленинча мустаҳкам кўрсатмага амал қилади. С'езд тинч-тотув яшаш принципи тобора кенгроқ э'тироф қилинаётганлигини мамнуният билан қайд қилади.

Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатлар ва бошқа тинчликсевар мамлакатларнинг, барча мамлакатлардаги кенг халқ оммасининг энг муҳим вазифаси мустаҳкам тинчликни сақлаш ва маҳкамлашдан ҳамда янги урушнинг, янги агрессиянинг олдини олишдан иборатдир. Ҳозирги халқаро шароитда империализм агрессив кучларининг халқларни янги урушларга — ҳарбий техниканинг ҳозирги даражасида халқларнинг бошига сон-саноқсиз кулфатлар соладиган ва вайронлик-харобалик келтирадиган янги урушларга солишига йўл қўймаслик учун реал имкониятлар туғилди. Ҳозирги вақтда ер юзида фақат капиталистик системагина мавжуд эмас. Тинчликсевар қудратли социалистик лагерь ҳам мавжуд бўлиб, тинчликсевар кучлар агрессиянинг олдини олиш учун ана шу лагерьдан иборат ма'навий ва шу билан бирга моддий воситаларга эгадирлар. Бундан ташқари, юз миллионларча аҳолиси бўлган катта бир группадан иборат бошқа давлатлар ҳам борки, бу давлатлар актив суратда урушга қарши чиқмоқдалар. Тинчлик тарафдорларининг қудратли умумхалқ ҳаракати мавжуддир. Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ҳаракати ғоят катта куч бўлиб қолди.

Бу шароитда, модомики империализм мавжуд экан, урушларнинг чиқиши учун иқтисодий асос ҳам сақланиб қолади, деган ленинча қоида ўз кучида қолади, албатта. Шунинг учун ҳам биз жуда ҳуш'ёр бўлмоғимиз лозим. Ёр юзида ҳозирча капитализм бор экан, капиталистик монополияларнинг манфаатларини ҳимоя қилучи реакцион кучлар бундан кейин ҳам ҳарбий авантюраларга ва агрессияга интиладилар, улар уруш бошлаб юборишга уринаоладилар. Лекин фатал суратда муқаррар бўладиган урушлар йўқ. Ҳозирги вақтда қудратли ижтимоий ва сиёсий кучлар мавжуд бўлиб, бу кучлар империалистларнинг уруш бошлашига йўл қўймаслик учун жиддий воситаларга эгадирлар, бу кучлар башарти империалистлар уруш бошлашга уринганлари тақдирда, агрессорларга қақшатғич зарба бериш, уларнинг авантюристик планларини бузиб ташлаш учун жиддий воситаларга эгадирлар. Бунинг учун урушга қарши чиқаётган барча кучлар ҳуш'ёр ва сафарбар қилинган бўлишлари, улар бир фронт бўлиб ҳаракат қилишлари ва тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашларини сусайтирмасликлари лозим.

Халқаро майдонда социализм фойдасига чуқур тарихий ўзгаришлар юз берганлиги муносабати билан мамлакатларнинг капитализмдан социализмга ўтиши ишида янги перспективалар очилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Ленининг «Барча миллатлар социализмга боради, бу турган гап, лекин уларнинг ҳаммалари социализмга бирхилда бормайди, ҳарбир миллат демократиянинг бирор формасига, пролетариат диктатурасининг бирор шаклига, ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини социалистик асосда ўзгартишнинг бирор сур'атига ўз хусусиятини киритади» (Асарлар, 23 том, 71 бет) деган қоидасига амал қилади.

Социализм йўлидан бораётган барча мамлакатлар тараққиётининг тарихий тажрибаси ленинча бу қоидани батамом тасдиқлади. Ҳозирги вақтда жамият тузумини социалистик асосда қуришнинг совет формаси билан бир қаторда халқ демократияси формаси мавжуддир. Бу форма ўн йил давомида ҳартомонлама синаб кўрилди ва ўзининг батамом тўғрилигини исбот қилди. Халқ демократияси давлатларида ҳарбир мамлакатнинг шароитига мувофиқ келадиган фарқ ва тафовутлар ҳам озмунча эмас. Революция ғалабасидан илгари экономикаси ниҳоят даражада қолоқ бўлган ҳамда ярим феодал ва ярим мустамлака характерига эга бўлган Хитой Халқ Республикаси социалистик қурилиш формаларига кўпгина ўзига хос хусусиятларни киритмоқда. Халқ-демократик давлат ҳал қилучи тормоқларни қўлга олиш асосида хусусий саноат ва савдони тинч йўл билан қайта қуриш ва аста-секин уларни социалистик экономиканинг таркибий қисмига айлантириш йўлини амалга оширмоқда.

Мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари бундан кейин тобора кўпроқ хилма-хил бўлиши тамомила қонунийдир. Шу билан бирга социализмга ўтиш формаларининг амалга оширилиши ҳамма шароитда граждалар уруши билан боғлиқ бўлиши шарт эмасдир. Ленинизм, ҳукмрон синфлар ҳокимиятни ихтиёрий равишда қўлдан бермайдилар, деб та'лим беради. Лекин социализмга ўтиш учун синфий курашнинг кўпми ёки озми даражада кескинлиги, бу ўтиш даврида зўрлик ишлатиш ёки ишлатмаслик фақат пролетариатга эмас, балки меҳнаткашларнинг жуда кўпчилигининг иродасига эксплуататорларнинг қаршилик кўрсатиш даражасига, эксплуататорлар синфининг ўзи томонидан зўрлик ишлатилишига боғлиқ.

Шубҳа йўққи, капитализм ҳали кучли бўлган, капитализм қўлида ғоят катта ҳарбий-полициячилик аппарати бўлган бирқанча капиталистик мамлакатлар учун синфий курашнинг қат'ий суратда кескинлашуви муқаррардир.

Шу билан бирга, халқаро майдонда социализм фойдасига туб силжишлар бўлиши ва ишчилар, деҳқонлар, меҳнаткаш интеллигенция орасида социализмнинг жозиба кучи тобора кўпроқ ўсиб бориши натижасида социализмнинг ғалабаси учун кўпроқ қулай шароит туғилмоқда. Бирқанча капиталистик мамлакатларда ишчилар синфи ўзининг илғор қисми бошчилигида ҳозирги шароитда халқнинг жуда кўпчилигини ўз раҳбарлиги остида бирлаштириш ва асосий ишлабчиқариш воситаларининг халқ қўлига ўтишини та'минлаш учун реал имкониятга эгадир. Ўнг буржуа партиялар ва улар томонидан тузилаётган ҳукуматлар тез-тез шармандаликка учрамоқдалар. Бу шароитда ишчилар синфи меҳнаткаш деҳқонларни, интеллигениянинг кенг доираларини, барча ватанпарвар кучларни ўз атрофига бирлаштириб ва капиталистлар ҳамда помешчиклар билан мурosa қилиш сиёсатидан воз кечишга қодир бўлмаган оппортунистик элементларга қат'ий зарба бериб, халққа қарши реакцион кучларни мағлубиятга учратиш, парламентда мустаҳкам кўпчиликни ўз томонига оғдириб олиш, парламентни буржуа демократияси органидан чиқариб, ҳақиқий халқ иродасининг қуролига айлантириш имкониятига эгадир.

С'езд та'кидлаб кўрсатадики, бошқа мамлакатларда социализмнинг ғалаба қозониши учун кўпроқ қулай шароит туғилиши фақат шунинг учун мумкин бўлдики, социализм Совет Иттифоқида ғалаба қозонди ва халқ демократияси мамлакатларида ҳам ғалаба қозонмоқда. Революцион марксизм-ленинизмнинг тантана қилиши, реформизм, оппортунизм идеологиясига қарши изчил ва қат'ий суратда олиб борилган кураш бу ғалабанинг зарур шарти бўлди.

С'езд КПСС Марказий Комитети олдига ташқи сиёсат соҳасида қуйидаги вазифаларни қўяди:

Давлатларнинг социал тузумидан қат'и назар, уларнинг тинч-тотув яшаши тўғрисидаги ленинча сиёсатни оғишмай амалга ошириш. Халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги иши учун, давлатлар орасида ишонч туғдириш учун актив кураш олиб бориш, халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида эришилган муваффақиятни мустаҳкам тинчликка айлантиришга ҳаракат қилиш.

Хитой Халқ Республикаси билан ва барча халқ демократияси мамлакатлари билан қардошлик муносабатларини ҳартомонлама мустаҳкамлаш, шу билан бирга социалистик давлатлар қанча мустаҳкамроқ ва қудратлироқ бўлса, тинчлик иши ҳам шунча мустаҳкамроқ бўлишини эсда тутиш. Югославия Федератив Халқ Республикасининг қардош халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Ҳиндистон Республикаси, Бирма Иттифоқи, Афғонистон, Миср, Сурия, Индонезия билан ҳамда тинчлик позицияларида туручи бошқа давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини маҳкамлаш; ўзларини агрессив блокларга тортишга йўл қўймаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш; тинчликни сақлашдан манфаатдор бўлган барча кучларни қувватлаш.

Финляндия, Австрия, Швеция ва бошқа бетараф мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

АҚШ, Англия, Франция, Италия, Ғарбий Германия, Япония билан, шунингдек қўшни давлатлар — Эрон, Туркия ва Покистон билан муносабатларни янада яхшилаш учун актив сиёсат юргизиш, шу билан бирга, бу мамлакатлар билан ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантиришга, маданият ва фан соҳасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни кенгайтиришга эришиш.

Совет халқининг барча мамлакатлардаги меҳнаткашлар билан қардошлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Халқаро кескинликнинг юмшалишидан манфаатдор бўлмаган доираларнинг ҳийла-найрангларини ҳуш'ёрлик билан кузатиб бориш, тинчлик душманларининг кўпоручилик ҳаракатларини ўз вақтида фош қилиш. Социалистик давлатимизнинг мудофаа қувватини янада мустаҳкамлаш учун зарур чоралар кўриш, мудофаамизни ҳозирги замон ҳарбий техникаси ва фани даражасида тутиш, Ватанимизнинг хавфсизлигини та'минлаш.

(Давоми иккинчи бетда)

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг резолюцияси

(Боши биринчи бетда)

II.

КПСС XX с'езди Совет Иттифоқининг **ички аҳволи** янада мустаҳкамланганлигини зўр мамнуният блан қайд қилади. КПСС Марказий Комитети томонидан партия бош йўли изчил суратда амалга оширилиши натижасида ҳисобот даврида ижтимоий ишлабчиқаришнинг барча тормоқларини анча юксалтиришга, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини анча оширишга муваффақ бўлинди, совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлиги янада кўпроқ мустаҳкамланди, Совет давлатининг қудрати ўсди.

Бешинчи бешйиллик планнинг СССР саноати томонидан муддатидан илгари бажарилганлиги ва ошириб бажарилганлиги партия ва халқнинг жуда катта ғалабаси бўлди. 1955 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1950 йилнинг даражасига нисбатан бешйиллик планда кўрсатилган 170 процент ўрнига 185 процентни ташкил этди, шу жумладан, ишлабчиқариш воситалари ишлаб чиқариш планда белгиланган 180 процент ўрнига 191 процент бўлди ва исте'мол буюмлари ишлаб чиқариш планда кўрсатилган 165 процент ўрнига 176 процент бўлди.

С'езд тинч иқтисодий мусобақа йўлида Совет Иттифоқининг социалистик хўжалик системасининг афзаллигига суяниб, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетишдан иборат бўлган асосий иқтисодий вазифасини тарихан жуда қисқа муддат ичида ҳал қилиш учун курашни бутун сабот ва матонат блан давом этдириш зарур, деб ҳисоблайди.

Коммунистик партия оғир саноатнинг, биринчи галда қора ва рангли металлургиянинг, кўмир ва нефть саноатининг, энергетика, машинасозликнинг, химия маҳсулотлари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришнинг ўсиб олдинда боришини бундан кейин ҳам та'минлашни шак-шубҳасиз зарур деб ҳисоблайди. Шу блан бирга, с'езд ижтимоий ишлабчиқаришнинг ҳозирги вақтда эришилган даражаси фақат ишлабчиқариш воситалари ишлаб чиқаришнигина эмас, балки халқ исте'моли буюмларини ҳам тез сур'атлар блан ривожлантиришга имкон беради, деб ҳисоблайди.

Саноат ишлабчиқаришини техника жиҳатдан узлуксиз тараққий қилдириш бутун саноат ишлабчиқаришини янада юксалтириш учун ҳал қилучи шартдир. Саноатга ва транспортга фан, техниканинг энг янги ютуқларини ва илғор тажрибани сабот-матонат блан ва планли равишда жорий қилиш, ишлаб турган асбобускуналарни модернизация қилишни амалга ошириш, меҳнатни ва ишлабчиқаришни уюштиришни яхшилаш ва такомиллаштириш, саноатда ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни кенг амалга ошириб, шу асосда ишлабчиқаришни ўстириш ҳамда халқнинг фаровонлигини янада ошириш юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилиши учун ҳал қилучи шарт бўлган меҳнат унумдорлигини тезлик блан ошириш зарур.

Мамлакат ишлабчиқарувчи кучларининг янада ривожланиб бориши хўмаш'ё, ёқилғи, электр қувватининг янги манба'ларини ишга солишни ва, биринчи галда, мамлакатнинг шарқий районларидаги жуда катта табиий ресурсларни сафарбар қилишни талаб этади. Шарқий районларда яқин 10—15 йил ичида кўмир чиқариш ва электр қуввати ишлаб чиқариш бўйича мамлакатнинг жуда катта базасини вужудга келтириш, йилида 15—20 миллион тонна чўян ишлаб чиқарадиган учинчи қувватли металлургия базасини ҳамда янги машинасозлик марказларини вужудга келтириш лозим.

С'езд барча партия ташкилотларига қуйидаги вазифаларни юклайди:

саноатнинг ҳамма тормоқлари ва корхоналари томонидан давлат план топшириқларининг фақат ялпи маҳсулот бўйича бажарилишинигина та'минлаб қолмасдан, шу блан бирга белгиланган номенклатура ва сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам бажарилишини та'минлаш;

мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан яхши фойдаланиш, корхоналарнинг тўхтаб-тўхтаб ва штурм блан эмас, балки, бир ме'ёрда ишлашига, маҳсулотни бутун ой давомида бир текста чиқариб туришига эришиш, бу эса планлаштиришни ва корхоналарни материаллар блан та'минлашни жиддий равишда яхшилашни талаб қилади;

маҳсулотнинг сифатини ошириш, унинг таннархини систематик равишда пасайтириб бориш, жуда қатъий иқтисодий тежашни амалга ошириш, хўжалик ҳисобини, жорий қилиш;

олтинчи бейшиллик давомида техника мақсадларига ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнига тўла равишда синтетик хомаш'ё ишлатиладиган бўлиши учун сун'ий хомаш'ё ва табиий хомаш'ёнинг ўрнини босадиган материалларни ишлабчиқаришга кенг жорий қилиш.

Совет давлати халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлашни йилдан-йилга кўпайтирмоқда. Бу маблағлардан максимал равишда самарали фойдаланмоқ учун қурилиш ишларини ҳозирги замон индустриал усуллари блан олиб бориш, йирик территориал бинокорлик ташкилотлари тузиш ишларини давом этдириш, проектлаш ишларини яхшилаш, қурилиш муддатларини максимал қисқартиш, заводда ишлабчиқариладиган йиғма-темирбетон конструкцияларини ва буюмларини кенг қўлланиш зарур.

Ҳисобот даврида КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги соҳасида катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларини амалга оширди. Марказий Комитет қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг бирқанча тормоқларидаги қолоқликни тугатмоқ ва қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришни ташкил этмоқ учун амалий тадбирлар кўрди.

Кўрилган тадбирлар орасида қуйидагилар айниқса катта аҳамиятга эгадир:

қишлоқ хўжалигида планлаштиришнинг янги тартиби жорий қилинди, бу эса колхозчиларнинг ижодий ташаббускорлигига йўл очди;

колхозлар ва колхозчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни қўпайтиришга бўлган моддий манфаатдорлиги кучайтирилди;

шаҳарлардан ва саноат марказларидан кўп минглаб коммунистларни ва партиясиз ходимларни қишлоқларга юбориш йўли блан колхозлар раҳбар кадрлар ва мутахассислар блан мустаҳкамланди;

қишлоқ хўжалигини техника блан та'минлаш янада кучайтирилди, МТСларда доимий механизатор кадрлар вужудга келтирилди ҳамда МТСлар раҳбар ва инженер-техник кадрлар блан мустаҳкамланди;

қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга давлат томонидан бериладиган маблағлар кўпайтирилди.

Марказий Комитет қишлоқ хўжалигини юксалтириш программасини ишлаб чиққан вақтда, бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ва, жумладан унинг чорвачилик сингари муҳим тормоғининг асоси бўлган дон хўжалигини юксалтиришга биринчи навбатда бутун кучни қаратиб, тўғри иш қилди. Марказий Комитетнинг кўриқ ерларни ўзлаштириш ва маккажўхори экишни кескин равишда кўпайтириш тўғрисида қабул қилган қарорлари жуда катта аҳамиятга эгадир.

С'езд Марказий Комитетга аҳоли учун озиқ-овқатни ва енгил саноат учун хомаш'ёни мўл-кўл қилиб вужудга келтириш йўлидаги курашга партияни ва бутун совет халқини сафарбар қилиб, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишларини тинмай ғайрат сарфлаб давом этдиришни топширади.

Қишлоқ хўжалиги ишларини янада механизациялашни та'минлаш, айрим ишларни механизациялашдан бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини комплекс механизациялашга жуда қисқа муддатда ўтиш, Совет ва четэл фани ҳамда техникасининг муваффақиятларини, илғор колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг тажрибаларини пропаганда қилиш ва ишлабчиқаришга жорий этиш ишларини тубдан яхшилаб, шу асосда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ёдницасига сарфланадиган меҳнатни ва моддий воситаларни кескин равишда камайтиришга, барча экинларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишга эришиш зарур.

С'езд, кўпгина колхозларнинг иқтисодий имкониятлари анча ошган ҳозирги вақтда, ҳамиша биринчи ўринда туриши лозим бўлган ишлаб чиқаришни ҳартомонлама кенгайтириш блан бирқаторда, колхозларда уй-жой бинолари, клублар, болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший муассасалар қуришга жиддий э'тибор бериш зарур, деб ҳисоблайди.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик савиясини ошириш қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини янада тез юксалтиришнинг ҳал қилучи шартидир. Бу ишдаги шаблонга, канцелярячилик, бюрократик методларга, эгасизликка ва мас'улиятсизликка ҳотима бериш зарур. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳарбир районга, колхозга, совхозга, МТСга конкрет раҳбарлик қилишни та'минлашлари, омманинг ташаббусини ҳартомонлама қўллаб-қувватлашлари, қишлоқ хўжалик ходимларининг, шу жумладан раҳбар кадрларнинг ҳам қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини кенгайтиришга моддий манфаатдорликларини оширишлари лозим.

С'езд партия, касаба союз, хўжалик, комсомол ташкилотларини умумхалқ социалистик мусобақасини кенг авж олдиришга, бу мусобақага раҳбарликни яхшилашга, ишчилар ва колхозчиларнинг ижодий ташаббускорлигини янада юқори кўтариб, бу ташаббускорликни Партия ва Ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун йўллашга чақиради.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришининг ўсганлиги совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини тинмай ошириш учун реал имкониятлар туғдирди. Бешинчи бешйиллик йиллари мобайнида СССРнинг миллий даромади 68 процент ошди, ишчилар ва хизматчиларнинг реал ишҳақи 39 процент, колхозчиларнинг реал даромадлари эса бир ярим баравар ошди. С'езд, ишчилар ва хизматчиларнинг реал ишҳақини ҳамда колхозчиларнинг даромадини янада ошириш, кам маош тўланадиган ходимлар группасининг ишҳақини ошириш, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлашда тегишли тартиб ўрнатиш, ходимларнинг ўз меҳнатларининг натижаларига шахсий моддий манфаатдорликларини кучайтириш бўйича КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан ишлаб чиқилган тадбирларни тўла ма'қуллайди.

КПСС Марказий Комитетининг олтинчи бешйиллик давомида барча ишчилар ва хизматчилар учун 7 соатлик иш кунига ўтиш, кўмир ва конруда саноатида ер ости ишларида ишлайдиган етакчи касбдаги ишчилар учун, шунингдек ўсмирлар учун 6 соатлик иш кунига ўтиш тўғрисидаги қарори жуда катта сиёсий ва халқ хўжалик аҳамиятига эгадир. Бу қарорда ишлабчиқариш шароитларига кўра, мақсадга мувофиқ бўлган жойларда беш кунлик иш ҳафтасига (саккиз соатлик иш куни бўлгани ҳолда, икки кун дам олиш шарти блан) ўтиш ҳам кўзда тутилади. Яқин фурсатларда шанба ва байрам олди кунларида иш кунини икки соат камайтириш амалга оширилади. Қисқартирилган иш кунига ўтиш ишчи ва хизматчиларнинг ишҳақларини камайтирмай амалга оширилади. С'езд СССР меҳнаткашларининг манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушадиган бу тадбирларни якдиллик блан ма'қуллайди ва бу тадбирлар бутун совет халқи томонидан қизғин ма'қулланади ҳамда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик планини бажариш учун курашда уларнинг меҳнат ғайратини янада кучайтириб юборади, деб қатъий ишонч билдиради.

Пенсия та'минотини тартибга солиб, паст разрядлардаги пенсияларнинг миқдорини анча кўпайтириш, ўринсиз даражада кўпайтириб юборилган пенсияларнинг миқдорини эса камайтириш тўғрисида; кексаларни та'минлашни ҳамда соғлиқларига зарар етказмай ижтимоий фойдали меҳнат блан шуғулланаоладиган инвалидларни ишга жойлаштиришни яхшилаш тўғрисида Марказий Комитет томонидан мўлжалланган тадбирлар катта аҳамиятга эгадир.

Олтинчи бешйилликда уй-жой қурилиши ҳажми бешинчи бешйилликдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайтирилади. Шу муносабат блан Совет давлати томонидан уй-жой бинолари қуришга берилаётган маблағларни тўғри сарфлаш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифадир. С'езд КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан бу ишда тартиб ўрнатиш, кустарьчиликни ҳамда ҳархил архитектура ортиқчаликларини тугатиш, қурилишнинг индустриал методларини жорий қилиш соҳасида амалга оширилган тадбирларни ма'қуллайди ва барча партия ҳамда хўжалик ташкилотларига уй-жой бинолари қуриш соҳасидаги давлат планларининг ҳеч сўзсиз бажарилишини та'минлаш, шунингдек ишчилар ва хизматчиларга ўзларининг шахсий маблағлари блан якка тартибда уйлар қуриб олишлари учун ҳартомонлама ёрдам бериш вазифасини юклайди.

С'езд аҳолининг кундалик маиший эҳтиёжларига э'тибор беришни қатъий равишда кучайтириш, умумий овқатланиш шохобчаларини янада кенгайтириш, овқатланиш арзонлаштириш ва сифатини яхшилаш зарур, деб ҳисоблайди. Шунингдек, маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар — кир ювиб берадиган корхоналар, кийим тикиб берадиган ательелар, ремонт мастерскойлари ва шунинг сингари корхоналар кўпайтирилиши, рўзғор ишидаги меҳнатни енгиллаштирадиган машиналар ва буюмлар ишлаб чиқариш кескин кўпайтирилиши лозим.

Маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. Ҳамма жойда умумий еттийиллик та'лим, катта шаҳарларда эса ўнйиллик та'лим амалга оширилди. Умумий ўнйиллик та'лимни аста-секин жорий қилиш учун шароит вужудга келтирилмоқда. Мамлакатнинг олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш анча кенгайтирилди. Партия ва Совет Ҳукуматининг доимий ва амалий равишда қўллаб-қувватлаб турганлиги натижасида халқ хўжалиги ва ватанимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун самарали ишлаётган совет олимлари фаннинг бирқанча соҳаларида, шу жумладан, ядро физикаси, математика, механика соҳаларида, техника фанларининг ба'зи тормоқларида жуда катта натижаларга эришдилар.

Шу блан бирликда, с'езд маданий қурилиш соҳасидаги катта камчиликларни қайд қилиб ўтади. Ўқитишнинг турмушдан ма'лум даражада ажралиб қолганлиги, мактабни тамомлаб чиқаётганларнинг амалий иш учун етарли тайёргарликлари бўлмаганлиги мактаблар ишидаги энг катта камчиликдир. Мактабларни политехникалашни тезроқ амалга оширмоқ учун саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқариши масалаларига доир билимларнинг асосларини берадиган янги предметларни киритиш блан бирга, ўқучиларни корхоналарда, колхозларда ва совхозларда, тажриба участкаларида ва мактаб мастерскойларида меҳнат қилишга амалий ўргатиш ҳам зарур. Мактаб-интернатлар очишга киришиш, уларни болаларнинг соғлиги учун қулай бўлган жойларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Мактабгача бўлган болалар муассасалари шохобчаларини анча кенгайтириб, бу ишга фақат халқ маорифи органларини ва давлат корхоналарингина жалб қилиб қолмасдан, шу блан бирга колхозларни ҳам жалб қилиш керак.

Ўқишни ишлабчиқариш блан мустаҳкам боғлаш, мамлакатдаги олий ўқув юртларини тўғри жойлаштириш, уларни ишлабчиқаришга яқинлаштириш, ўқитиш ишларини ҳозирги замон техникасининг даражасига мувофиқ ташкил этиш асосида мутахассислар тайёрлаш сифатини бутун чоралар блан яхшилаш — олий та'лим соҳасидаги асосий вазифалардир. Ўқув юртларини тамомлаб чиқаётган ёш инженерлар ва агрономлар ишлабчиқаришнинг конкрет экономикаси ва ташкил этилишига доир етарли билимларга эга бўлмоқлари зарур.

С'езд мамлакат илмий муассасаларининг ишлабчиқариш блан, халқ хўжалигининг конкрет талаблари блан алоқаларини ҳартомонлама мустаҳкамлашни, уларнинг ижодий куч ва ғайратларини энг муҳим илмий-техника проблемаларини ҳал қилишга қаратишни, коммунистик қурилишнинг амалий вазифаларини ҳал қилишда фаннинг ролини тинмай оширишни зарур, деб ҳисоблайди.

С'езд совет ижтимоий ва давлат тузуми янада мустаҳкамланганлигини, ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар иттифоқи, СССРдаги барча халқларнинг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланганлигини Коммунистик партиянинг ҳисобот даврида қилган ишларининг энг муҳим якунларидан бири, деб ҳисоблайди.

С'езд хўжалик ва маданий қурилишда республика органларининг ҳуқуқларини кенгайтириш соҳасида КПСС Марказий Комитети кўрган тадбирларни тўла равишда ма'қуллайди. Умумий раҳбарликни, план топшириқларини белгилашни, бу топшириқларнинг бажарилиши устидан контрольлик қилишни, асбоб-ускуналар блан та'минлаб туришни, капитал маблағлар блан та'минлашни иттифоқ министрликлари ихтиёрида қолдирган ҳолда, шу блан бирвақтда корхоналарни кун сайин бошқариб туришда республика министрликларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш зарур. Бу эса, жойларда ижодий ташаббускорликни янада кўпроқ авж олдиришга, иттифоқчи республикаларни янада мустаҳкамлашга, мамлакатимиз халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Партия ўзининг миллий сиёсатида ленинча қоидага, я'ни социализм миллий тафовутлар ва хусусиятларни йўқотмайди, балки, аксинча, барча миллатлар ва халқларнинг экономикаси ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришни ва яшнатишни та'минлайди, деган қоидага асосланиб иш кўриб келди ва иш кўрмоқда. Партия ўзининг бутун амалий ишида бундан буён ҳам шу хусусиятларга жуда катта э'тибор бериб, уларни ҳисобга олиши лозим.

Коммунистик қурилишнинг улуғ вазифалари меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ва ташаббускорлигини янада оширишни, давлатни идора қилишда, давлатнинг бутун ташкилотчилик-хўжалик фаолиятида омманинг яна ҳам кенгроқ қатнашувини талаб қилади. Бунинг учун совет демократизмини ҳартомонлама ривожлантириш, марказдаги ва жойлардаги барча совет органларининг ишларини зўр бериб яхшилаш, уларнинг омма блан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. С'езд сўнгги йилларда КПСС Марказий Комитети томонидан ма'мурий-бошқарув аппаратини қисқартиш ва арзонлаштириш, унинг барча звенолари фаолиятини яхшилаш соҳасида қилинган ишларни ма'қуллаб, бу ишни давом этдириш, бундан буён ҳам бюрократизмга қарши, аҳолининг эҳтиёжларига э'тиборсизлик блан қараш фактларига қарши муросасиз кураш олиб бориш зарур, деб ҳисоблайди.

С'езд совет қонунчилигини мустаҳкамлаш, гражданларнинг Совет Конституциясида гарантияланган ҳуқуқларига қаттиқ риоя қилиш соҳасида КПСС Марказий Комитети томонидан амалга оширилган тадбирларни тўла равишда ма'қуллайди ҳамда барча партия ва совет органларига қонунларнинг амалга оширилишини ҳуш'ёрлик блан кузатиб туриш, қонунсизлик, ўзбошимчаликнинг ҳарқандай кўринишларини, социалистик ҳуқуқ тартибларини бузишларни қат'ият ва қаттиқ қўллик блан тугатиш вазифасини юклайди.

Коммунистик партия ва Совет давлати бундан буён ҳам коммунистларни ва барча меҳнаткашларни юксак сиёсий ҳуш'ёрлик руҳида тарбиялашлари, совет кишиларининг тинч меҳнатини ва социалистик Ватан хавфсизлигини маҳкам туриб ҳимоя қилаётган шавкатли Қуролли кучларимизни ҳормай-толмай мустаҳкамлашлари лозим.

III.

Партиямиз XIX с'езд блан XX с'езд ўртасидаги даврда янги катта муваффақиятларга шу туфайли эришдики, у ўзининг бутун ички ва ташқи сиёсатида ҳамда амалий фаолиятида марксизм-ленинизмнинг ғолиб та'лимотига амал қилиб келмоқда, мамлакатимизда коммунизм қуриш ва халқаро социалистик лагерьни мустаҳкамлаш йўлини қат'ият ва изчиллик блан амалга ошириб келмоқда, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги байроғини баланд кўтариб келмоқда.

XIX с'езддан кейин ўтган давр КПССнинг қуввати ва обрўси янада ўсган, партиянинг ленинча бирлиги мустаҳкамланган, совет жамиятида партиянинг раҳбарлик роли янада ошган давр бўлди. Партия ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатлардан янада кўпроқ мустаҳкамланди, партиялилар оммасининг марксча-ленинча чиниқиши кучайди. Партия ва давлат раҳбарлигининг ҳал қилучи кучи бўлган партия кадрлари анча ўсди.

КПСС XX с'езди шуни қайд қиладики, партия XIX с'езддан кейин партия ва мамлакат олдида турган мураккаб ва мас'улиятли вазифаларни бажаришда Марказий Комитет ўзига муносиб юксак даражада турди, партия, давлат ва ҳўжалик қурилишининг етилган масалаларини тўғри ҳал қилди, мамлакатни Ленин йўлидан ишонч ва қат'ият блан олға олиб борди.

С'езд мамнуният блан шуни қайд қиладики, Марказий Комитет ўзининг бутун фаолиятида партия ва халқ манфаатларини оғишмай ҳимоя қилиб келди. С'езд партия ва халқнинг хавфли душмани бўлган Бериянинг ва унинг шайкасининг жинояткорона фитначилик фаолиятини тугатиш соҳасида КПСС Марказий Комитети томонидан кўрилган қат'ий чораларни тўла равишда ма'қуллайди. Шу блан империалистик разведкаларнинг планларига катта зарба берилди, партияниг жанговарлик қобилияти янада мустаҳкамланди.

С'езд партия ҳаётининг Ленин белгилаб берган қоидаларини тиклаш, партия ички демократиясини ривожлантириш, марксча-ленинча сиёсатни ўтказиш асосида коллектив раҳбарлик принципларини жорий қилиш, партия ишларининг услубини ва методларини такомиллаштириш соҳасида Марказий Комитет томонидан қилинган катта ишларни батамом ма'қуллайди. Партия ҳаётининг демократик асосларига риоя қилиш учун, ма'муриятчиликка ва раҳбарлик қилишдаги канцелярячилик-бюрократик методларга қарши, танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдириш учун олиб борилган кураш партиялилар оммасининг активлигини кучайтиришни, коммунистларнинг партия иши учун бўлган мас'улиятини оширишни, меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини тағин ҳам оширишни та'минлади.

Шахснинг тарихдаги ролини марксча-ленинча тушуниш кенг равишда тушунтириб берилганлиги коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг активлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. С'езд Марказий Комитет шахсга сиғинишга қарши чиқиб жуда тўғри иш қилди, деб ҳисоблайди, чунки шахсга сиғинишнинг авж олиши партия ва халқ оммасининг ролини пасайтирган эди, партияда коллектив раҳбарлик ролини камситган эди ва кўпинча ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйишга сабаб бўлган эди; шу сабабли с'езд Марказий Комитетга шахсга сиғиниш сарқитларига қарши курашни бўшаштирмасликни, ўзининг бутун фаолиятида Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган халқ оммаси янги турмушнинг чинакам яратувчиси эканлигини назарда тутиб иш кўришни топширади.

Партия ҳаётининг ленинча нормалари тикланганлиги, партия ички демократияси ривожлантирилганлиги, коллектив раҳбарлик принципига риоя қилиниб келинганлиги ва шахсга сиғинишга қарши кураш олиб борилганлиги натижасида Марказий Комитет саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга раҳбарликни яхшилашни та'минлади, социалистик қонунчиликни бузишга йўл қўйилганлигини очиб ташлади ва буни тузатмоқ учун зарур тадбирларни кўрди, хотиржамлик ва бепарволик кайфиятларига қарши кураш олиб боришга чақирди ҳамда бутун партияни, партияли ва партиясиз барча ходимларимизни совет жамиятининг ривожланиш сур'атларини жадаллаштиришга, совет халқининг моддий фаровонлигини янада юксалтиришга сафарбар этди.

Янада муваффақият блан олға боришни та'минламоқ учун бундан буён ҳам партия сафларининг жанговарлик қобилиятини юксак даражада сақлаб туриш, бутун партиявий ишимизни ҳормай-толмай яхшилаш ва такомиллаштириш керак. С'езд Марказий Комитетга партиянинг бутун ташкилий ишларини ва аввало хўжалик қурилиш соҳасидаги бутун ташкилотчилик ишларини янада яхшилаш тадбирларини кўришни топширади. Партия ташкилотлари хўжалик қурилишига конкрет раҳбарлик қилиш масалаларига кескин равишда бурилишлари, саноат корхоналарининг, колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг ишларига ишнинг кўзини яхши билиб раҳбарлик қилмоқ учун уларнинг техникаси ва экономикасини ўрганишни кучайтиришлари лозим.

Ташкилий ишларнинг савияси ижрони текширишга, кадрларни танлаш ва тарбиялашга ҳамда хўжалик ва маданий қурилишнинг турли участкаларида коммунистларни жой-жойига қўйиш ишларининг ташкил этилишига ҳал қилучи даражада боғлиқдир. С'езд ёш кадрларни кўтаришга, хотин-қизларни кўтаришга, ишлабчиқаришда ишлаётган коммунистларнинг сонини кўпайтиришга э'тиборни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди.

С'езд ба'зи партия ташкилотларининг партиянинг ўсишини тартибга солиш ишига э'тиборни сусайтирганликларини нотўғри, деб ҳисоблайди. С'езд партия сафларининг сонини кўпайтириш эмас, балки сифатини ошириш асосий вазифа эканлигини назарда тутиб, партия ташкилотларига илғор кишиларни, аввало, ишчилар ва колхозчилар орасидан якка тартибда партияга танлаб олиш тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш вазифасини юклайди.

С'езд Марказий Комитетга партия ва совет органларининг ташкилий структурасини ва уларнинг иш формаларини ўзгарган вазиятга мувофиқ такомиллаштириш ишларини давом этдиришни топширади.

Район звеносини янада мустаҳкамлашга алоҳида э'тибор берилиши лозим. С'езд бу соҳада партия томонидан катта ишлар қилинганлигини қайд қилади, қишлоқ район партия комитетларининг структураси қайта қурилганлигини, райкомларнинг МТС зоналари бўйича секретарьлари бошчилигида инструкторлик группалари тузилганлигини тўғри деб ҳисоблайди.

Шунга қарамай, кўпгина район ташкилотларининг иш савияси партия томонидан қўйилаётган талабларга ҳали ҳам жавоб бермайди. Бунинг сабаби шуки, бирқанча районларда зарур ишчанлик ва сиёсий сифатларга эга бўлмаган бўшанг ходимлар район партия комитетларининг МТС зоналари бўйича секретарьлари ва инструкторлари қилиб тасдиқланганлар.

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида мамлакат олдида жуда катта вазифалар турган ҳозирги пайтда район ташкилотларини тажрибали ва қобилиятли кадрлар блан мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда район ходимлари бевосита қишлоқ бошланғич ташкилотларида, МТСларда, колхозларда, совхозларда ишламоқдалар, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини Партия ва Ҳукумат директиваларини бажаришга сафарбар қилмоқдалар. Демак

(Охири учинчи бетда)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XX С'ЕЗДИ

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг резолюцияси

(Боши иккинчи бетда)

ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришдан иборат умумхалқ ишининг муваффақияти район ташкилотлари ишларининг савиясига ҳал қилучи даражада боғлиқдир. Шу сабабли район партия комитетларидаги раҳбарлик ишларида, айниқса МТС зоналари бўйича секретарьлар ва инструкторлар сифатида, шунингдек район Советларининг ижроия комитетларида оммани ташкил қиладиган серғайрат, ташаббускор ташкилотчилар, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишни яхши биладиган кишилар ишлашини таъминлаш зарур. Бунинг учун колхозларда ва совхозларда ўсиб етишган энг яхши маҳаллий ходимларни кўтариш ҳисобига ҳам, шунингдек шаҳарлар ва саноат марказларидан районлардаги ишларга одамларни жалб қилиш йўли билан ҳам район звеносини мустаҳкамлаш ишини қунт билан давом этдириш, район партия ва совет органларининг раҳбарларига МТС-лар, колхозлар ва совхозлар хўжалик фаолиятининг натижаларидан бевосита моддий манфаатдорлик туғдириш лозим.

Шу билан бир вақтда шаҳар партия ташкилотларини янада мустаҳкамлаш ишларини ўтказиш, шаҳар партия комитетларининг ва шаҳар район партия комитетларининг саноат корхоналарининг иши учун, айниқса фан, техника ва илғор тажрибаларнинг энг янги муваффақиятларини ишлабчиқаришга жорий қилиш учун, шунингдек аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириши лозим бўлган барча корхоналар ва ташкилотларнинг ишлари учун бўлган жавобгарликларини ҳартомонлама ошириш зарур.

Умуман партиянинг ва айрим ҳолда ҳарбир партия ташкилотининг меҳнаткашлар кенг оммаси билан алоқасини янада кучайтириш партия олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг зарур шартидир. С'езд партия органларининг э'тиборини меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ва касаба союз ташкилотларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини ва талабларини қондириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишидаги ролини қат'ий равишда кўтармоқ учун уларнинг ишларини жонлантириш зарурлигига жалб қилади.

Хўжалик ва маданий қурилишда актив қатнашаётган ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда партияга ёрдам бераётган Ленин комсомоли мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Броқ комсомол ташкилотларининг фаолиятида, айниқса уларнинг ғоявий-тарбиявий ишларида катта камчиликлар бор. Кўпинча комсомол ташкилотлари ёшларни амалий ишга жалб қила билмайдилар, жонли ташкилотчилик ишлари билан шуғулланиш ўрнига қарорбозлик, дабдабозлик ва ҳайбаракаллачилик билан шуғулланадилар. Бу камчиликларни йўқотмоқ учун комсомолга партия раҳбарлигини яхшилаш зарур. Партия ташкилотлари ёшлар орасида тарбиявий-маданий-оммавий ишлар олиб бориш учун зарур шароит яратиб бериш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари, комсомоллар ва бутун совет ёшларининг давлат, хўжалик ва маданий қурилишда, мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна ҳам активроқ қатнашишларини та'минлашлари лозим.

С'езд пропаганданинг коммунистик қурилиш практикасидан ажралиб қолганлигини тугатишни идеология ишлари соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Пропаганда ва агитациямизни коммунизмнинг моддий-ишлабчиқариш базасини вужудга келтириш, моддий ва маданий не'матларни мўл-кўл қилиб яратиш, гражданларнинг коммунистик онглилигини ўстириш вазифалари билан мустаҳкам боғлаб олиб бориш ҳамда марксизм-ленинизмнинг ижодий руҳига ёт бўлган догматизмга ва қироатхонликка хотима бериш зарур. Пропагандининг вазифаси фақат марксизм-ленинизм назариясини тушунтириб беришдангина иборат бўлмай, шу билан бирга бу назарияни амалда турмушга оширишга ёрдам беришдан ҳам иборатдир.

С'езд қайд қиладики, Марказий Комитет партиянинг оғир индустрияни устун даражада ривожлантиришдан иборат бош йўлидан чекинишга уринишларга қарши, шунингдек мамлакатимизда социализм қуриш масаласидаги ва назариянинг бошқа ба'зи масалаларидаги чалкашликларга қарши ўз вақтида кураш очди.

С'езд Марказий Комитетга марксизм-ленинизм назариясини коммунизм учун амалий кураш процессида, янги тарихий тажрибани ва жонли воқи'лик фактларини умумлаштириш асосида ижодий ривожлантириб, бу назариянинг софлигини бундан буён ҳам кўз қорачиғидек сақлашни топширади. Шу билан бирликда буржуа идеологиясининг кўринишларига қарши қаттиқ кураш олиб борилиши лозим.

С'езд меҳнаткашларни ва, аввало, ёш бўғинни коммунистик руҳда тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлигини ўқтириб ўтади ва партия ташкилотларига ғоявий тарбиянинг ҳамма воситаларидан — пропаганда, агитация, матбуот, радио, маданий-оқартув ташкилотлари ва муассасалари, фан, адабиёт ва сан'атдан шу мақсадларда тўла равишда ва актив фойдаланиш вазифасини юклайди.

С'езд ишонч билдириб айтадики, улуғ марксизм-ленинизм та'лимоти билан қуролланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бутун совет халқини ўз байроғи остида яна ҳам мустаҳкам қилиб жипслаштиради ва уни коммунизмнинг янги жаҳоншумул-тарихий ғалабалари сари олиб боради.

КПСС Уставига айрим ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

ПАРТИЯ XX С'ЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

(1956 йил 24 февральда бир овоздан қабул қилинган)

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди КПСС Уставига қуйидаги ўзгартишларни киритишга қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, область, ўлка партия комитетларининг ҳамда иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг Пленумлари камида тўрт ойда бир марта, округ, шаҳар ва район партия комитетларининг Пленумлари эса камида уч ойда бир марта чақирилади.

2. Маҳаллий партия ташкилотларининг истакларини ҳисобга олиб, белгилаб қўйилсинки, иттифоқчи республикалар компартияларининг с'ездлари, ўлка, область, округ партия конференциялари, районларга бўлинган шаҳарларда шаҳар партия конференциялари икки йилда бир марта чақирилади. Областьларга бўлинган иттифоқчи республикалар (Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон) компартияларининг с'ездлари тўрт йилда бир марта чақирилиши мумкин.

3. КПСС Уставининг 35-нчи параграфидаги «В» моддаси чиқариб ташлансин.

4. Маҳаллий партия органларининг ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида, коммунистларнинг сони 300 дан ортиқ бўлган катта корхоналарда ва муассасаларда партия комитетлари область, ўлка партия комитетларининг, иттифоқчи республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг қарори билан тузилиши мумкин, деб топилсин.

5. Партия комитетлари секретарьларининг сони конкрет иш шароитларига қараб ўзгартирилиши мумкинлигини назарда тутиб, партия Уставида партия комитетлари секретарьларининг сони тўғрисидаги кўрсатмани ўз кучида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилсин. Аниқлаб қўйилсинки, партия комитетларидаги секретарьларнинг сонини КПСС Марказий Комитети белгилаб беради.

6. Корхоналарнинг, колхозларнинг, МТС ларнинг ва совхозларнинг цехларида, бригадаларида ва участкаларида партия ташкилотларининг та'сирини кучайтириш вазифаларини назарда тутиб белгилаб қўйилсинки, 50 дан ортиқ коммунист бўлган бошланғич партия ташкилотларида район, шаҳар партия комитетларининг ёки тегишли сиёсий бўлимларнинг қарори билан цех партия ташкилотлари тузилиши мумкин.

7. КПСС Уставининг 64-нчи параграфида транспортдаги сиёсий бўлимлар тўғрисида айтилган гап чиқариб ташлансин.

«КПСС XX с'ездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан Директивалари» ҳақида ўртоқ Н. А. Булганин доклади бўйича Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг

ҚАРОРИ

(1956 йил 24 февральда бир овоздан қабул қилинган)

1. КПСС XX с'ездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан Директиваларининг КПСС Марказий Комитети томонидан киритилган проекти асос қилиб қабул этилсин.

2. Директивалар проектига тузатишлар ва қўшимчаларни кўриб чиқмоқ учун с'езд комиссияси сайлансин.

☆ ☆ ☆

XX с'езд КПСС XX с'ездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—60 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан Директивалари проектига тузатишлар ва қўшимчаларни кўриб чиқучи комиссияни қуйидаги составда тузишга қарор қилди:

Булганин Н. А. (раис),	Ковригина М. Д.	Первухин М. Г.
Аристов А. Б.	Косыгин А. Н.	Прокконен П. С.
Байбаков Н. К.	Кочинян А. Е.	Рагимов С. Г.
Беляев Н. И.	Кунаев Д. А.	Рудь Г. Я.
Бенедиктов И. А.	Кучеренко В. А.	Рудаков А. П.
Бешчев Б. П.	Лаптев Н. В.	Сабуров М. З.
Бобровников Н. И.	Лацис В. Т.	Соловьев Л. Н.
Ворошилов К. Е.	Лобанов П. П.	Суерқулов А. И.
Жавахишвили Г. Д.	Ломако П. Ф.	Суслов М. А.
Дорошенко П. Е.	Мазуров К. Т.	Тевосян И. Ф.
Дементьев П. В.	Маленков Г. М.	Тихомиров С. М.
Евсеенко М. А.	Малишев В. А.	Ўлжабоев Т.
Елютин В. П.	Мальцев Т. С.	Хламов Г. С.
Ефремов М. Т.	Мацкевич В. В.	Хруничев М. В.
Жимерин Д. Г.	Микоян А. И.	Хрушчев Н. С.
Завенягин А. П.	Михайлов Н. А.	Чернишев В. Е.
Задемидко А. Н.	Молотов В. М.	Шверник Н. М.
Зверев А. Г.	Мюрисеп А. А.	Шелепин А. Н.
Қаганович Л. М.	Миларшиков В. П.	Шепилов Д. Т.
Кальченко Н. Т.	Никитин П. В.	Шереметьев А. Г.
Камолов С.	Овезов Б.	Шумаускас М. Ю.
Кириченко А. И.	Орловский К. П.	Яснов М. А.

С'езд кундалиги

23 февраль эрталабки мажлис

С'езднинг ўртоқ **Г. Е. Буркацкая** раислигида ўтган эрталабки мажлисида ўртоқ Н. А. Булганиннинг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'ездининг Директивалари тўғрисидаги докладини муҳокама қилиш давом этди.

Сўз ўртоқ **Н. И. Бобровниковга** (Москва партия ташкилоти) берилади.

Ўртоқ Бобровников Партия ва Ҳукумат томонидан меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш соҳасида амалга оширилаётган тадбирларда шаҳар қурилиши катта ўрин олганлигини уқтириб ўтиб, пойтахтни реконструкциялаш масалаларига тўхталди.

Сўнгра ўртоқ **А. Н. Косыгин** сўзга чиқади. Партия ва Ҳукумат, дейди у, оғир индустриянинг устун даражада ривожлантирилишини та'минлаб, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга ва енгил саноат ҳамда озиқ-овқат саноатининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришга катта э'тибор бериб келмоқдалар. XX с'езднинг Директивалари проектида янги бешйилликда исте'мол буюмлари ишлаб чиқаришни тахминан 60 процент кўпайтириш кўзда тутилган.

Олтинчи бешйилликда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ҳарқачондагига қараганда кўпроқ миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан иборат хомаш'ёга эга бўлади, оммавий исте'мол товарлари тайёрлаш учун сун'ий ва синтетик хомаш'ё ишлаб чиқариш анча кенгайтирилади. Корхоналар жуда унумли автоматик ускуналар ва поток линиялари билан тез сур'атларда та'минланади.

Нотиқ янги бешйилликда асосий саноат товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисида ма'лумотлар келтиради.

Ҳамма турдаги газламаларни ишлаб чиқариш 9.263 миллион метргача кўпайтирилади. Пойафзал ишлаб чиқариш 1960 йилда 455 миллион жуфтга етади. Бешйилликнинг охирига бориб тикилган буюмлар ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайтирилади. Қанд-шакар ишлаб чиқариш икки баравар оширилади. Бу эса аҳолининг қанд-шакарга бўлган талабини тўла равишда қондиради ва кондитер ҳамда бошқа товарлар ишлаб чиқаришни кенг равишда ривожлантиришга имкон беради. Олтинчи бешйилликда бутун мамлакатда гўшт ва сут етиштириш икки баравар кўпаяди. Балиқ саноати кўп ривож топади.

Сўнгра ўртоқ Косыгин енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун ускуналар етказиб беручи машинасозлик корхоналарининг вазифалари ҳақида гапиради, капитал қурилишни планлаштиришни яхшилаш ҳақида ба'зи мулоҳазаларни айтади. Капитал қурилишни бир йилга планлаштиришнинг амалдаги тартиби ўрнига ҳарбир об'ектнинг то битказилгунча бутун қурилишини планлаштиришга ўтиш тўғри бўлур эди,—дейди у.—Маблағларни, йилига қанча белгиланганидан қат'и назар, бу маблағларнинг ўзлаштирилишига қараб бериб туриш мақсадга мувофиқдир. Бундай шароитда қурилиш ишлари тезроқ бажарилади ва арзонроқ бўлади.

Ўртоқ **К. П. Орловский** (Белоруссия партия ташкилоти) айтадики, совет халқи СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик плани юзасидан партия XX с'езди Директивалари проектида эўр хурсандчилик билан кутиб олди ва ма'қуллади.

Нотиқ «Рассвет» қишлоқ хўжалик артели колхозчиларининг иши тўғрисида, келажак планлар ҳақида гапиради.

Шундан кейин ўртоқ **Н. К. Байбаков** сўзга чиқади. У, олтинчи бешйиллик план юзасидан с'ез Директиваларини ишлаб чиқиш хусусиятларини характерлаб айтадики, бу ишда мамлакатимиз меҳнаткашлари кенг иштирок этдилар ва кўпгина қимматли таклифларни киритдилар. Бу эса ишлаб турган қувватлардан фойдаланиш юзасидан, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархини камайтириш ва бошқа тадбирлар юзасидан министрликлар ҳамда Госплан томонидан белгиланган дастлабки режаларни оширишга имкон берди. Директивалар проектини тузиш вақтида Госплан партиянинг оғир саноатни устун даражада ривожлантириш сиёсатига, КПСС Марказий Комитетининг ва Совет ҳукуматининг қарорларига амал қилди.

Сўнгра ўртоқ Байбаков янги бешйиллик топшириқларини муваффақият билан бажариш учун меҳнат унумдорлигини оширишнинг ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтади.

Ўртоқ **Т. С. Мальцев** (Курганск партия ташкилоти) ўз нутқини философия ва иқтисодий фаннинг социалистик қурилиш практикаси билан кўпроқ боғланган бўлиши зарурлигига бағишлади. Табиёт илми сингари философия ҳам, дейди у, қишлоқ хўжалик ходимларига табиат қонунларини чуқур билиб олишда ёрдам бериши лозим.

Реакцион философлар, дейди нотиқ, тупроқ унумдорлигининг камайиши тўғрисидаги қонун ва аҳоли сонининг ортиқлиги тўғрисидаги қонун деб аталмиш қонунларни «асослаб келдилар». Бу нарса уларга шунинг учун зарур бўлиб қолдики, улар халқнинг бошига тушадиган фалокатларнинг манбаи эксплуататорлик тузумида эмас, балки гўё аҳоли сонининг ортиқлигида ва тупроқ унумдорлигининг камайишида, деб исбот қилмоқчи бўлган эдилар. Бизнинг философларимиз агрономия фани билан иттифоқ бўлиб, бошқа қонунни, табиатнинг чинакам об'ектив қонунини — тупроқ унумдорлигининг доимо ошиб бораётганлиги тўғрисидаги қонунни ана шундай реакцион да'воларга қат'ий равишда қарама-қарши қилиб қўйишлари лозим.

Сўнгра ўртоқ Мальцев тупроқни ишлашнинг Курганск областидаги «Завети Ленина» колхозида қўлланилаётган янги системасининг ғоят катта афзалликларини конкрет мисоллар билан кўрсатиб беради.

Ўртоқ **В. А. Малишев** ўз сўзида мамлакат халқ хўжалигида техника тараққиёти проблемаларига тўхталиб ўтди.

Партия Марказий Комитети, деди нотиқ, ҳозирги замоннинг шундай хусусиятларини кўрсатиб бердики, бу хусусиятлар фан ва техника масалаларига илгаридагидан кўра кўпроқ э'тибор беришни талаб қилади. Ҳозирги вақтда фан ва техника ҳарқачонгидагидан кўра кучли суратда ривожланмоқда ва уларнинг ривожланиш сур'атлари тобора тезлашмоқда. Бу эса фан ва техника ютуқларидан халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлабчиқаришни кўпайтириш ва арзонлаштириш учун дарҳол фойдаланишни талаб этади. Бунинг учун бизда катта потенциал имкониятлар мавжуддир: бизда жуда яхши ривожланган ҳозирги замон саноати бор, олимлар, инженерлар, техникларнинг тажрибали кадрлари бор, ишчилар синфининг маданий-техника савияси ўсди.

Ҳолбуки, дейди нотиқ, саноатнинг кўпгина тармоқларида янги корхоналар ҳали ҳам бўлса ҳозирги замонга етарли даражада мувофиқ бўлмаган, ба'зан эса эскириб қолган техника базасида, кам самарали технология процессларини ва эскириб қолган ускуналарни қўлланишни кўзда тутиб проектланмоқда, бунинг натижасида, ишга туширилаётган қувватнинг единицасига капитал маблағ сарфлаш салмоғи ошиб кетади ва демак, завод корхоналарининг қимати ҳам ошади.

Проектчи инженерлар, деб уқтириб ўтади ўртоқ Малишев, янги саноат корхоналари проектини тузганда ҳозирги замон техникасини дадиллик билан ва кенг миқ'ёсда қўлланишлари ва бу билан кўп миллиард сўмлаб маблағни халқ хўжалиги учун тежашлари лозим.

Ўртоқ Малишев комплекс механизацияни ва автоматизацияни саноатга жорий қилиш масаласига тўхталиб, бу ишга ижодий қараш кераклигини, эски ва одат бўлиб қолган технологияга ёпишиб олмай, балки эски технологик ва эски ишлабчиқариш процесслларини тубдан яхшилаш ва зарур бўлганда эса уларни дадиллик билан емириб ташлаш кераклигини кўрсатади.

Ўртоқ **Б. П. Бешчев** темир йўл транспортини ривожлантириш соҳасида Директивалар проектида белгиланган ғоят катта ишлар ҳақида гапиради. Бешйилликнинг охирига бориб бутун юк оборотининг 45 проценти электровозлар ва тепловозлар билан бажарилади, ўтган йилда эса бутун юк оборотининг 14 проценти электровозлар ва тепловозлар билан бажарилган эди. Темирйўл линияларининг 8 минг километридан кўпроғи, шу жумладан мамлакат марказини Урал билан, Сибирь ва Донбасс билан боғлайдиган асосий магистраллар электр қуввати билан ишлашга кўчирилади. 18 минг километрга яқин темир йўл линияларида поездлар тепловозлар ёрдами билан юргизиладиган бўлади.

Ўртоқ **А. Ларсен** Дания Коммунистик партияси номидан сўзлаб, бундай деди:

Сизнинг с'езднгиз Совет Иттифоқида социализмнинг буюк прогрессини, унинг капиталистик системадан устун эканлигини кўрсатувчи жонли далилдир. С'езд тинчликсевар инсониятнинг халқаро кескинликни юмшатиш, тинч тотув яшаш ва бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик йўлидаги қурашда Совет Иттифоқининг қудратли куч эканлигини яна бир марта исбот этди.

Совет Иттифоқи, деб давом этди ўртоқ Ларсен, Данияннинг ва дания халқининг ҳўсти эканлигини ҳамиша кўрсатиб келди, мамлакатимиз суверенитетини ҳамиша ҳурмат қилиб келди, унга ўз суверенитетини ҳимоя қилишда ёрдам бериб келди ва давлатимизнинг ички ишларига ҳечқачон аралашмади. Шу сабабдан мутлақо равшанки, Данияннинг ўрни ҳарбий Шимолий Атлантик иттифоқида эмас, даставвал социализм мамлакатларига қарши қаратилган бу иттифоқда эмас, балки бетараф миллатларнинг сафларидадир.

Ўртоқ **Аджой Кумар Гхош** КПСС XX с'ездига Ҳиндистон Компартияси номидан отаишн қардошлик саломи топширди.

Мустамлакачилик бўйинтуруғини ўз устидан улоқтириб ташлаган ва ўз экономикасини тиклашга интилаётган Шарқ халқлари, деди у, Совет Иттифоқини содиқ иттифоқчи деб биладилар, ҳечқандай сиёсий мажбуриятлар талаб қилмасдан ёрдам таклиф этучи ишончли ва бегараз дўст ва биродар деб биладилар.

Булганин ва Хрушчев ўртоқларнинг Ҳиндистонга қилган сафари, дейди сўнгра ўртоқ Гхош, Ҳиндистон-Совет дўстлигининг миллий байрамига айланди, бу байрамда ҳамма синфлар, ҳамма партиялар ва халқнинг барча табақалари қатнашдилар. Бу байрам энг кенг типдаги миллий бирликнинг далили бўлди.

Ҳинд халқи Совет Иттифоқининг Гоа ва Кашмир тўғрисидаги масалада тутган позициясини ғоят қадрлайди. Бу позиция Америка империалистларининг позициясига тамомила қарама-қаршидир. Ана шу фактнинг ўзи халқимизга унинг чин дўсти ким эканлигини кўрсатиб турибди.

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва Ж. Нерунинг қўшма баёноти ҳамда Ҳиндистон-Совет ахбороти ғоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлардир. Бу ҳужжатлар Осиёда ва бутун дун'ёда тинчлик ишига ғоят катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўртоқ Гхош провардида бундай дейди: Мустамлакачилик меросларини тугатиш йўлида, халқ оммаси учун ҳар томондан та'мин этилган ва бахтли турмуш яратиш йўлида Ҳинд халқи олдида қийин вазифалар турибди. Лекин бизнинг партиямиз аминдирки, улуғ Ҳинд халқи барча партияларнинг, синфларнинг ва аҳоли табақаларининг демократик ва ватанпарвар кучларини ўз ичига олган кенг миллий бирликка таяниб, бу вазифаларни амалга оширалади.

Биз аминмизки, жаҳондаги уч буюк давлат — СССР, Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик бутун дун'ёда тинчликнинг энг қудратли фактори бўлиб, тобора ўсади.

Ўртоқ **З. Левлиен** с'ездни Норвегия Компартияси номидан табриклади.

23 февраль кечки мажлис

Ўртоқ **З. Р. Раҳимбобоева** раислигида ўтган кечки мажлисдаги музокараларда биринчи бўлиб ўртоқ **В. А. Кучеренко** сўзга чиқди. Олтинчи бешйилликдаги капитал қурилишнинг ғоят катта ҳажми, деди у, қурилиш индустрияси ходимлари олдига катта вазифалар қўяди. Партия Марказий Комитети ва Ҳукумат қурилишни янада индустриаллаштиришга, қурилишнинг сифатини яхшилашга ва қимматини камайтиришга қаратилган бирқанча қарорларни қабул қилдилар. Қурувчилар ана шу қарорларни амалга ошириш учун қурашиб, бирмунча муваффақиятларга эришдилар. Пигма темирбетон ишлаб чиқарадиган корхоналар тормоғи кенгайтирилмоқда, проектлаш ташкилотларининг иши бирмунча яхшиланди. Броқ қурувчиларнинг ишидаги ижобий моментлар эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлишга ва айниқса мавжуд камчиликларни кўз юмишга асос бўлаолмайди.

Ўртоқ Кучеренко мамлакатда қурилиш ишини янада яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларга муфассал тўхталади.

Ўртоқ **В. В. Мацкевичга** сўз берилади. Марказий Комитет, бутун партия, деди у, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ғоят катта э'тибор бериб келдилар. Кўриланган тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигидаги аҳвол сезиларли даражада яхшиланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришда ва колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлашда дастлабки муваффақиятларга эришилди.

Ўртоқ Мацкевич ер органларининг ишига тўхталиб айтадики, қишлоқ хўжалик мутахассислари, МТС ва колхозларнинг раҳбар ходимлари иқтисодий билимларни эгаллашлари лозим. Нотиқ ахборот бериб айтдики, ҳозирги вақтда ҳарбир областьда комплекс тажриба қишлоқ хўжалик станциялари ёки институтлари ташкил қилинмоқда. Бу станция ва институтларга областьнинг қишлоқ хўжалиги олдида турган энг актуал масалаларни илмий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади.

Ўртоқ **А. Г. Шереметьев** ўз нутқини қора металлургияни ривожлантириш масалаларига бағишлади.

Раислик қилучи, с'ездимизни табриклаш учун ёш пионерлар келдилар, деб э'лон қилади.

Делегатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб, мамлакатнинг истиқболини, унинг орзу-умидини гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Сўнгра ўртоқ **И. А. Каировга** сўз берилади. У уқтириб ўтдики, олтинчи бешйилликнинг маданият соҳасидаги энг муҳим вазифаларидан бири ҳамма жойда умумий ўрта та'лимни амалга оширишдир.

Ўртоқ Каиров республикада мактаблар тормоғини кенгайтириш плани ҳақида гапиради.

Ўртоқ Каиров ўз сўзининг охирида РСФСР Маориф министрлиги томонидан мактабларда та'лим-тарбия ишларининг сифатини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларга тўхталади.

С'езд аҳли қардош коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг нутқларини самимий кутиб олди.

Ўртоқ **Р. Арисменди** Уругвай Компартияси номидан с'ездни табриклаб, бундай деди:

КПССнинг коммунизм қуриш ишида ва тинчликни сақлашда, шунингдек марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришда эришган ғалабалари халқимизнинг ўз миллий ва социал озодлиги учун олиб бораётган курашида буюк стимулдир.

Бизнинг партиямиз, деди сўнгра ўртоқ Арисменди, мамлакатнинг ҳамма ватанпарвар кучларини ишчилар синфи деҳқонлар билан иттифоқда раҳбарлик қилаётган миллий-озодлик бирлашган демократик фронтида уюштиришни ўз мақсади деб ҳисоблайди. Ҳозирги вақтда ҳаракат бирлиги пролетариатнинг кенг табақаларини ўз ичига олди. Деҳқонлар ва батракларнинг мустақил ташкилоти ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда, интеллигенциянинг ватанпарвар табақалари ўз фаолиятини кенгайтирмоқда.

Ўртоқ Булганиннинг СССР Латин-Америкаси мамлакатларига техника ёрдами беришга ва бу мамлакатлар билан савдо-сотиқни кучайтиришга тайёр эканлиги ҳақида қилган баёноти бизда кўп киши томонидан ма'қуллаб қутиб олинди. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Ҳиндистонга, Бирмага, Афғонистонга қилган сафари ҳам бизнинг мамлакатимизда катта таассурот қолдирди.

Испания Компартиясининг вакили ўртоқ **С. Микунис** бундай деди:

Биз улуғ совет халқининг КПССнинг ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг синалган доно раҳбарлигида коммунизм қуришда ва бутун дун'ёда тинчликни сақлаш ишида эришган ғоят катта, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган муваффақиятларини чин қалбдан табриклаймиз. Испания халқ оммаси Совет Иттифоқига унинг тинчликни ва халқларнинг миллий мустақиллигини ҳимоя қилиш сиёсатини изчиллик билан юргизаётганлиги учун дўстлик ва ҳурмат ҳислари билан тўлиб-тошгандир.

Швейцария меҳнат партиясидан сўзга чиққан ўртоқ **З. Воог,** Швейцария меҳнаткашлари Совет Иттифоқини тинчликни сақлаш учун курашда байроқдор деб биладилар, деди.

Бизнинг партиямиз, деди сўнгра ўз сўзини давом этдириб ўртоқ Воог, ҳақиқий давлат бетарафлигини сақлаш учун, реакцион доираларнинг Швейцарияни ғарбий давлатларнинг ҳарбий блокларига жалб қилиш йўлидаги уринишларига қарши узоқ вақтдан буён кураший келмоқда, чунки ҳақиқий давлат бетарафлигини сақлаш тинчлик ишига қўшилган ҳисса бўлибгина қолмай, балки мамлакатнинг миллий мустақиллигини сақлашнинг ҳам шартидир.

Кечки мажлисда Португалия, Малайя ва Венесуэла Компартияларидан с'езд номига олинган табрик хатлари ҳам ўқиб эшитдирилди.

24 февральда с'езд ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XX С'ЕЗДИ

Ўртоқ Н. М. ШВЕРНИК нутқи

Ўртоқлар! Ўлмас Ленин томонидан вужудга келтирилган ва чиниқтирилган улуғ партиямизнинг XX с'езди Совет давлатининг қаҳрамонона тарихига социалистик экономикани янада зўр бериб юксалтируви гоят буюк воқеа бўлиб, марксизм-ленинизмни ижодий тарзда тараққий эттиришнинг янги этапи бўлиб киради.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладида партиямиз ишларининг улуғвор программасини белгилаб берди. Совет Иттифоқининг халқаро ва ички ҳаётига доир масалаларни чуқур анализ қилди, икки системанинг тинч-тотув бўлиб яшаши тўғрисидаги, урушларнинг олдини олиш мумкин эканлиги ҳақидаги, турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари ва йўллари тўғрисидаги маркса-ленинча қоидаларни ҳозирги даврга мувофиқ суратда ижодий равишда ривожлантирди.

Ленинча Марказий Комитет бошчилигидаги Коммунистик партия ўтган бешйилликда хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида жуда катта муваффақиятларга эришди. Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлади ва унинг халқаро мақ'ёдаги обрўсини оширди.

Ўртоқ Н. А. Булганин олтинчи бешйиллик план ҳақидаги Директивалар тўғрисида қилган докладида оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш, янги техниканы ўзлаштириш, илғор технологияни кенг жорий қилиш асосида халқ хўжалигини янада ўстириш планини баён қилиб берди.

Бизнинг партиямиз бундан аввалги фаолияти билан бешинчи бешйиллик планнинг бажаришини та'мин этмаганида, совет халқи олтинчи бешйилликда ўзининг ижодий ишларини кенг миқ'ёсда ривожлантира олмаган бўлур эди.

Партия ўзининг XX с'ездигача эришган якунлар мамлакатимизни донолик билан Ленин йўлидан олиб бораётган партия раҳбарлигидаги ишчилар, деҳқонлар, интеллигентларнинг фидокорона меҳнати натижасида қўлга киритилди. **(Қарсаклар).**

Коммунистик партиянинг XIX с'ездидан кейинги бутун фаолияти омма билан чамбарчас алоқани мустаҳкамлаш шиори остида ривожланди, халққа ва унинг битмас-туганмас ижодий кучларига чуқур ишонч руҳи билан суғорилди.

Меҳнаткашлар билан маҳкам алоқа боғлаш партиямиз учун янги жамият қуриш қонунидир, чунки коммунизм халқ оммасининг онгли ижоди натижасида вужудга келади.

Улуғ Ленин кўп марта та'кидлаб айтган эдики, «Халққа ишонган, жўш уриб турган халқ ижодиёти булоғидан сув ичган кишигина ғалаба қилаолади ва ҳокимиятни ўз қўлида тутиб қолаолади». (Асарлар, 26 том, 297 бет).

Партия омма билан алоқа боғлаш воситалари — Советлар, касаба союзлар, комсомолга таяниб, ишчиларни, деҳқонларни, интеллигентларни меҳнат зафарларига илҳомлантириб келди. Совет касаба союзлари Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида оммани бешинчи бешйиллик планни муваффақиятли бажариш учун курашга жипслаштирдилар, оммани давлат, хўжалик ва маданий қурилишга жалб этдилар, ишчи ҳамда хизматчиларнинг ўсиб бораётган моддий эҳтиёжлари ҳамда маданий талабларини қондиришдаги камчиликларни йўқотишга муваффақ бўлдилар.

Ўртоқ Хрушчев XX с'ездга қилган докладида совет касаба союзларининг катта ролини чуқур анализ қилди ва шу билан бирга коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида партия томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли суратда ҳал этишда касаба союзларнинг ишларига халқит бераётган катта камчиликларни қаттиқ, лекин ҳаққоний танқид қилди.

ВЦСПС ва касаба союзлар Марказий комитетлари корхоналарнинг ҳаётида, айрим министрликлар ва бошқармаларнинг ишларида салбий ҳодисаларга дуч келганларида ана шу камчиликларни дадил танқид қилмадилар, ҳаётий муҳим масалаларни хўжалик органлари олдига кескин қилиб қўймадилар. Буларнинг ҳаммаси ишнинг даражасини ва омманинг жанговар ташкилотчилари бўлган касаба союзларнинг аҳамиятини анча пасайтирди.

Касаба союзлар янги жамият қурилишининг барча босқичларида партиянинг сиёсатини садоқат билан амалга ошириб келдилар. Касаба союзлар ўз ишларидаги камчиликларни тугатадилар ва коммунизмнинг ленинча мактаби бўлишдан иборат фахрли ролини шараф билан бажарадилар. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади. **(Қарсаклар).**

Социалистик мусобақага амалий раҳбарлик қилайлик

Ўртоқлар, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик плани ижодий ишларнинг улуғворлиги ва гоят кенг миқ'ёсдалиги билан бизни қувонтиради.

Бу планнинг асосий вазифалари ишлаб чиқаришни воситалари ишлаб чиқаришни устун даражада ривожлантириш, техниканы тинмай тараққий эттириш, меҳнат унумдорлигини ошириш базасида саноат, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кенг миқ'ёсда юксалтиришни та'минлашдан, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада оширишни та'минлашдан иборатдир. Олтинчи бешйиллик планнинг бажарилиши мамлакатимизни иқтисодий тараққиётнинг янада юксак босқичига кўтаради.

1960 йилда мамлакатимизда чўян, пўлат, прокат ишлаб чиқариш кескин суратда ортади, кўмир, нефть чиқариш анча кўпаяди, станоклар ва машиналар ишлаб чиқариш ошади, электр қуввати, химия маҳсулотлари, халқ исте'моли буюмлари ишлаб чиқариш ўсади, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ортади, чорвачилик мисли кўрилмаган даражада ривожланади.

Олтинчи бешйиллик — техникани зўр бериб тараққий эттириш, электрлаштириш бешйиллигини ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бешйиллигидир.

Коммунистик партиямизнинг халқ манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ. Миллион-миллион оммани ўз теварагига жипслаштирган Ленин партиясининг бутун ақл-идроки, бутун жўшқин ғайрати коммунизм ғалабасига эришишга қаратилган. Ишчилар синфи, барча совет кишилари социалистик меҳнат янги, бахтли ҳаёт қуриш манба'и эканлигини ўз тажрибаларида кўриб ишондилар.

Ленин бундай деб ёзган эди: «Юз йиллардан буён бировларга, эксплуататорларга қул бўлиб ишлаб келинганидан кейин, биринчи марта ҳаракатимизнинг **ўзига ишлаши учун** имконият вужудга келмоқда, шунда ҳам, энг янги техника билан маданиятнинг барча ютуқларига суяниб ишлаш имконияти вужудга келмоқда». (Асарлар, 26 том, 419 бет).

Меҳнат унумдорлигининг реал натижалари саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсганлигида, маориф, соғлиқни сақлаш, социал-та'минот ишларига давлат томонидан чиқарилаётган маблағларнинг ортиб бораётганлигида, уйжой ва маданий-маиший қурилишнинг мисли-из кенгайтириб юборилганлигида, меҳнаткашларнинг маданий савиясини ва моддий фаровонлигини системали суратда оширишда ўз ифодасини топди.

Совет касаба союзлари кенг оммани меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни, омманинг ижодий ташаббусини коммунизмнинг ғалабаси учун ҳал қилувчи шарт бўлган меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан оширишга сафарбар қилишни ўзининг асосий ва энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

Олтинчи бешйилликда саноатда меҳнат унумдорлигини ҳамида 50 процент, қурилишда ҳамида 52 процент, темир йўл транспортида тахминан 34 процент ошириш кўзда тутилганлиги жуда зарур ва тамомила реал бир иш эканлиги Ўртоқ Булганин докладида аниқ кўрсатилди.

XX с'ездининг олтинчи бешйиллик план юзасидан Директивалар проекти ана шу топшириқларни бажаришнинг конкрет йўлларини белгилаб беради. Олтинчи бешйилликнинг меҳнат унумдорлигини кескин суратда юксалтириш соҳасида қўйган энг муҳим вазифаларини тўла ва ошириб бажаришни та'минлаш имконини берадиган қудратли манба' — омманинг битмас-туганмас ташаббусидир. Омманинг бу ташаббуси умумхалқ социалистик мусобақасида яққол кўринмоқда. Ҳозирги даврда мусобақанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, мусобақа қатнашчилари илғор техникани эгаллаб, эскириб қолган технология процессларини ўзгартирмоқдалар, ишлаб чиқаришни такомиллаштирмоқдалар, мавжуд резервлардан фойдаланмоқдалар ва шу асосда иш вақтини энг кам сарф қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришни та'мин этмоқдалар. Мамлакатимизнинг ҳамма қисмида партиянинг XX с'езди шарафига авж олиб кетган социалистик мусобақа буни жуда яққол исбот этди. Бу мусобақа жараёнида юзларча ва минглаича корхона, МТС ва совхоз коллективлари ишлаб чиқариш соҳасида катта ғалабаларга эришдилар.

Москвадаги Владимир Ильич номли электромеханика заводининг ишчилари ва хизматчилари 1955 йилдаги ишлаб чиқариш планини 1 декабрьгача бажардилар, бешинчи бешйиллик мобайнида маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравардан зиёд кўпайтирдилар ва маҳсулотнинг таннархини 42 процент камайтирдилар.

Ворошиловград областидаги «Центральная Боковская» шахтасидаги барча бригада ва участкалар ўзаро мусобақа қилмоқдалар. Бу шахтада цикл графигини жорий қилган олтинчи участка партиянинг XX с'езди шарафига ўтказилаётган мусобақада биринчиликни олди. Бу участкада ўтган йилнинг декабрь ойида кўмир қазиб чиқариш плани 125 процент, 1956 йилнинг январь ойида эса 142 процент бажарилди. Ана шу участканинг шахтёрлари январь ойининг бир ўзидагина пландан ташқари 3,5 минг тонна кўмир қазиб чиқардилар.

Новаторлар — ишлабчиқариш илғорлари мусобақани ҳаракатга келтирувчи буюк кучдир. Новаторлар — ишлабчиқариш илғорларининг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Новатор бўлиш—ўз ишини мукаммал билиш ва илғор фан ютуқларидан фойдаланиб, янги техникани жорий қилиш ҳамда ўзлаштириш демакдир. Социалистик ишлабчиқариш илғорлари мусобақада ўз қобилият ва талантларини рўёбга чиқармоқдалар, ўз тажрибаларини бошқалар билан баҳам кўрмоқдалар, қолоқларни илғорлар даражасига кўтармоқдалар.

Кўпгина металлург новаторлар бунга мисол бўлаолади. «Запорожсталь» заводининг жадал ишловчи пўлат қуювчиларидан Пометун, Залож ва Дьяконов ўртоқлар ҳаво юбориш усулини қўлланиб, пўлат эритишни 20 процент оширдилар ва ҳарбир цех бўйича ўрта ҳисобда 470 марта пўлат қуйилгани ҳолда, улар жуда катта печларнинг ҳар икки ремонти орасидаги даврда 540 мартагача пўлат қуйиб чиқардилар. Златоус металлургия заводининг пўлат қуювчиларидан Козлов, Калмиков ва Стругов ўртоқлар кичик ҳажмдаги мартен печида пўлат қуйишни 895 мартагача етказдилар, ҳолбуки, бошқа заводлардаги худди шундай печларда 400 мартадан тортиб 450 мартагача пўлат қуйилмоқда. Ленинградлаги кўпгина корхоналарда кейинги олти ой ичидагина новаторлар сони бирнеча баравар кўпайди. «Электросила» заводидаги новаторлар ишлабчиқаришни янада такомиллаштиришга катта ҳисса қўшдилар. Бу заводда старший мастер Ўртоқ Федотовнинг таклифига мувофиқ, штамповкани бригаликда бажариладиган операцияга кўчириш амалга оширилди. Полюс листлари учун керакли янги комбинация қилинган штамп мавжуд икки штамп ўрнига меҳнат унумдорлигини 50—60 процент ошириш имконини берди.

Бу заводда трубогенератор учун керакли роторни тайёрлашда пазларни фрезерлаш кўп меҳнат талаб этадиган оғир операция деб ҳисобланар эди. Бу операцияни бажариш учун 500 станок-соат вақт керак эди. Фрезерчи Ўртоқ Гоше қаттиқ қуйилма пластинкалари билан ускуналанган диск фрезерини ишлатди. Бу чора пазларни фрезерлаш операцияларида меҳнат унумдорлигини беш баравар ошириш имконини берди.

Новаторларнинг ташаббуси корхоналар, цехлар ва участкаларнинг ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажаришларига катта та'сир кўрсатмоқда. Новаторларнинг тажрибаси ишчилар оммаси орасига ёйилаборган сари новаторликнинг қиммати ва аҳамияти яна ортаборади. Шу сабабдан касаба союзлар новаторлар сонини кўпайтириш билан бирга, барча ишчиларнинг меҳнатдаги илғор методларни эгаллашларига, социалистик мусобақада ўз активликларини оширишларига эришишни ўзларининг энг биринчи вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Бу вазифани ҳал этишда касаба союз активи етакчи роль ўйнайди. Касаба союз активлари шахсан намуна кўрсатиб, оммани ўзларига эргаштириб бормоқдалар, меҳнатдаги илғор методларни оммалаштирмоқдалар, қолоқларни илғорлар даражасига кўтармоқдалар.

Масалан, Новочеркасск электровоз қуриш заводи участкасининг касаба союз ташкилотчиси Ўртоқ Севастьянов бешинчи бешйилликда 14 йиллик нормани бажарди, ўз тажрибаларини бошқа ишчиларга ўргатди. Бунинг натижасида ана шу участкада меҳнат унумдорлиги икки баравардан зиёд ортди.

Горький автозаводидаги темирчилик корпусининг ишчилари ўртасида касаба союз ташкилотчиси, темирчи Ўртоқ Григорий Малишев катта обрўга эга. У ўз участкасида энг яхши темирчиларнинг тажрибаларини оммалаштириб, техника жиҳатидан асосланган нормаларнинг ҳарбир ишчи томонидан камида 120 процент бажарилишига эришди. Ўртоқ Малишевнинг ўзи эса нормани доим 150—160 процент бажариб келмоқда.

Ивановодаги меланж комбинатининг йигирув бўлимида касаба союз ташкилотчиси Ўртоқ Огарковнинг тажрибаси кенг ёйилди. Огаркова иккита йигирув машинасида ишлаб, смена нормасини 125—130 процент бажармоқда. Бундай мисоллар кўп. Аммо, касаба союзлар барча касаба союз активларидан ҳарбирининг ўз ишлабчиқариш участкасида социалистик мусобақа етакчиси бўлишига ҳали эришган эмаслар.

1 миллион 300 минг кишидан иборат бўлган касаба союз активи ва биринчи навбатда касаба союз ташкилотчилари намунали ишлар қилиб, оммага та'сир кўрсатишлари, социалистик мусобақани юксак даражага кўтаришлари, ишлабчиқариш новаторларининг тажрибаларини кенг ёйишлари керак.

Касаба союзлар ва хўжалик органлари заводлар, райойлар, цехлар, мастерлар ва айрим ишчилар ўртасида олиб бориладиган социалистик мусобақани эътибор билан ўрганишлари ва уни пухта ташкил этишлари керак.

Афсуски, кўпгина касаба союз ташкилотлари ва хўжалик органлари новаторларнинг тажрибаларини суст ўрганмоқдалар, юқори унумли ишлаш учун шароит вужудга келтиришни та'минлайдиган ташкилий-техника тадбирларини амалга оширмаётирлар.

Кўпгина корхоналардаги касаба союз ташкилотлари ишлабчиқариш резервларини қидириб топишда ҳали ҳам суст иш олиб бормоқдалар. Масалан, «Татнефть» бирлашмасидаги жадал ишловчи донгдор мастер Ўртоқ Гимазовнинг пармаловчи бригадаси бир йил ичида 17.671 метр пармалади. Бу бирлашмадаги бригадаларнинг кўпчилиги ўрта ҳисобда 9.830 метрдан пармалаб, йиллик планларини бажарди, лекин 40 дан ортиқ бригада ишлабчиқариш топшириқларини бажармади ва уларнинг ҳарбири йилига ўрта ҳисобда атиги 5.500 метрдан пармалади.

Нефть саноати министрлиги ва касаба союз Марказий Комитети барча бригадаларни лоақал планни бажарган бригадаларга етказиш тўғрисида ғамхўрлик қилганларида эди, «Татнефть» бирлашмасининг бир ўзидагина қўшимча равишда 187 минг метрдан кўпроқ пармалаш ёки 80 га яқин янги скважинани ишга тушириш мумкин бўлур эди.

Кўпгина корхоналарда илғор меҳнат методларини ўрганиш мактаблари анча кенгайтирилди. Бу мактаблар ишлабчиқариш новаторларининг тажрибаларини актив суратда қўлланиш ва кенг ёйишнинг ҳақиқий формаларидан биридир. Бу мактаблар ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан иш кўрадиган одатдаги мактабларга ўхшамайди. Бу мактабларда новаторларнинг ўзлари ўқитувчилик қиладилар, қандай унумли ишлаш кераклигини, меҳнатда яхши натижаларга қандай қилиб эришиш мумкинлигини ўзларининг иш жойларида кўрсатиб берадилар.

1955 йилда Ленинградлаги металл заводида илғор меҳнат методларини ўрганиш мактабида 400 дан ортиқ киши, Кузнецк металлургия комбинатида 1000 дан ортиқ киши та'лим олди. 1955 йилнинг биринчи ярмида корхоналарда ташкил этилган ана шундай мактабларда 1 миллион 600 мингдан ортиқ ишчи та'лим олди.

Касаба союзлар илғор меҳнат методларини оммавий суратда ўрганишнинг ва ишчиларнинг малакасини оширишнинг синалган ана шу формасини олтинчи бешйилликда ҳам янада кенг ривожлантириш учун бутун чораларни кўрадилар.

Корхоналарда якка-якка ва коллектив мусобақанинг, меҳнатдаги новаторлик методларини пропаганда қилишнинг хилмахил формалари қўлланилмоқда. Плакатлар, брошюралар нашр этилмоқда, экскурсиялар ташкил этилмоқда ва бригадалар бирхилдаги маҳсулот ишлаб чиқаручи корхоналарга бормоқдалар. Новаторлар ишлабчиқариш кенгашларида ўз ишлари тўғрисида сўзлаб бермоқдалар. Айрим фабрикалар, заводлар ва цехлар ўртасида ўтказилаётган мусобақа тажрибаларни ўртоқлашишга ёрдам бермоқда.

Заводлар ўртасида ўтказилган мусобақа давомида Уралмашзавод электр печьлар сводларининг маҳкамлигини ошириш, автоматик ва ярим автоматик сваркани қўлланиш соҳасида Уралвагонзаводининг тажрибасидан фойдаланди. Уралвагонзавод ҳам қуйма инструментни тайёрлаш ва керамик-пластинкали резецларни қўллаш технологиясини Уралмашзаводдан ўрганиб олди.

Бригадаларда ишловчи ишчиларнинг корхоналарга бориб туришларини бутун чоралар билан кучайтириш керак. Оммавий ишнинг ана шу формаси яхши уюштирилса, ижобий натижалар беради.

Ишлабчиқаришни такомиллаштириш, техникани ва илғор технологияни ривожлантириш йўлида тинмай ишлаётган ихтиро'чилар ва рационализаторлар олтинчи бешйиллик вазифаларини бажаришда катта роль ўйнайдилар. Бешинчи бешйилликнинг 4 йили мобайнида корхоналарга 6 миллиондан ортиқ рационализаторлик таклифлари тушди, бу таклифларнинг 3,5 миллиондан кўпроги ишлабчиқаришга жорий қилинди.

Техникани тез сур'атлар билан тараққий эттириш ихтиро'чиларнинг ва рационализаторларнинг ижобий ташаббуси ва активлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Касаба союз ташкилотлари ихтиро'чиларга ва рационализаторларга кўпроқ эътибор беришлари, уларнинг ишига ёрдамлашишлари, қабул қилинган таклифлар ва ихтиро'ларни ишлабчиқаришга жорий қилиш учун қат'ий кураш олиб боришлари керак. Рационализаторлар ва ихтиро'чилар ҳаракатига раҳбарлик қилиш учун инженерларни ва техникларни жалб этиш лозим. Инженерлар ва техниклар айниқса зўр ташаббус кўрсатиб, рационализаторлик ва ихтиро'чиликни оммавий суратда ривожлантиришда амалий ёрдам беришлари керак.

Совет мутахассислари ва ишлабчиқаришдаги новатор ишчилардан 400 мингга яқин кишини ўз сафларига бирлаштирган илмий-техника жамиятлари техниканы тараққий эттириш йўлидаги курашнинг олдинги сафларида боришлари керак. Ўтган йили илмий-техника жамиятлари томонидан ўтказилган 20 мингдан ортиқ илмий-техника конференциялари ва кенгашларининг, 380 конкурсининг ва бошқа оммавий тадбирларнинг якунлари, инженер-техниклар жамоатчилигининг ижодий активлиги ишлабчиқаришни янада ўстириш учун жуда катта резервларни очиб беришини кўрсатади.

Хўжалик органлари рационализаторлар ва ихтиро'чиларнинг таклифларини, илмий-техника жамиятларининг тавсияларини ишлабчиқаришда тез жорий қилишга ёрдам берадиган ташкилий-техника тадбирларининг амалга оширилишини та'миндашлари лозим.

Ишлабчиқаришни кенгашлари барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ишлабчиқариш планларининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам беради. Ишлабчиқариш кенгашлари меҳнатни ташкил қилишдаги камчиликларни очиб ташлаш ва йўқотишга ёрдам беради. Шуни очиқ айтиш керакки, хўжалик ташкилотларининг кўпгина раҳбарлари ишлабчиқаришни яхши йўлга қўйиш масалалари устида ишчилар билан маслаҳатлашмаётирлар ва бунинг натижасида кўп нарсани қўлдан бой бермоқдалар. Улар ишчилар билан сддача гапланишни эсларидан чиқариб қўйганлар. Ишчиларнинг ақл-идроки корхоналарга хўжалик йўли билан кун сайин раҳбарлик қилишни яхшилашда, социалистик ишлабчиқаришни такомиллаштиришга халақит бераётган бюрократик ғовларни йўқотишда кўпгина яхши маслаҳатлар бераолур эди.

Ишлабчиқариш кенгашлари мунтазам суратда ўтказилаётган кўп корхоналарда бу кенгашлар ишни яхшилашга катта ёрдам бермоқда. Подольскдаги М. И. Калинин номли механика заводининг ишлабчиқариш кенгашларида қабул қилинган таклифларнинг амалга оширилиши 500 га яқин асбоб-ускунани, 11 минг квадрат метрдан кўпроқ ишлабчиқариш майдонини бошқа ишларни бажаришга кўчириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ҳамда таннархини камайтириш имконини беради.

Петровск номидаги металлургия заводининг 3-нчи мартен цехида ишлабчиқариш кенгашларида қабул қилинган таклифларни амалга ошириш натижасида металл қуйиш технологияси яхшиланди, бир ой ичида ишлаб чиқариладиган пўлат 128 тонна оширилди.

Ишлабчиқариш кенгашларининг шубҳасиз яхши натижалар бераётганига қарамай, кўпгина партия, хўжалик ва касаба союз ташкилотлари уларнинг аҳамиятига ҳали ҳам етарли баҳо бермаётирлар, ишлабчиқариш кенгашларини онда-сондагина ўтказмоқдалар, бу кенгашларда қабул қилинган таклифларни ,бажаришга эришмаётирлар. Бу эса ишчиларнинг ишлабчиқариш соҳасидаги активлигини кучайтиришга халақит беради.

Касаба союз ташкилотларида ишлаётган коммунистларнинг бурчи — ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг кучайиб бераётган активлигига етакчилик қилишдан, уларнинг бутун куч-ғайратини халқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан тузилган олтинчи бешйиллик планни бажаришга сафарбар қилишдан иборатдир.

Партия касаба союзларга давлат нуқтаий назаридан гоят муҳим бўлган вазифани, я'ни социалистик мусобақага доим раҳбарлик қилиш вазифасини топширган. Аммо бу вазифанинг бажарилиши турмуш талабларидан ҳали ҳам кейинда қолмоқда. Мусобақа — жамоат меҳнатининг юксак интизоми руҳида тарбияланган омма ижодий ташаббусининг рўёбга чиқишидир. Мусобақа ҳечқандай шаблонга тоқат қилолмайди. Корхоналарда, цехларда, бригадаларда мусобақага конкрет раҳбарлик қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлида оммани ташкил қилиш — ишда муваффақият қозонишнинг ҳал этадиган асосий формаларидир.

Корхоналарда жорий қилинаётган янги техника ишчилардинг махсус билимга эга бўлишларини ва бу билимдан фойдаланаолишларини талаб этади. Ана шу янги техника кадрларнинг маданий-техник савиясини оширишни тезлаштиради. Техника тараққиётининг та'сири билан ишчилар синфи составида катта ўзгаришлар рўй бермоқда, еттийиллик, ўрта ва олий маълумотли ишчилар ҳамда хизматчиларнинг сони тобора кўпаймоқда.

1955 йилнинг охирига келганда, Уралмашзаводда 25 ёшгача бўлган ишчилар, инженер-техник ходимларнинг 64 проценти, Кузнецк металлургия комбинатида 55 проценти, Большая Ивановская мануфактура фабрикасида 58 проценти, Кузбассдаги «Коксовая» шахтасида 32 проценти еттийиллик, ўрта ва олий ма'лумотга эга эди.

Буларнинг ҳаммаси мусобақага малакали раҳбарлик қилишни, ижодий ташаббусни кучайтиришни ва ишлабчиқаришдаги илғор иш тажрибаларини сабот билан жорий қилишни, мусобақа якунларини ҳаммага ма'лум қилишни ва якка-якка ўтказилаётган мусобақада, бригадалар, заводлар ўртасида ўтказилаётган мусобақада ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиққан ишлабчиқариш илғорларини моддий ва ма'навий жиҳатдан рағбатлантириш формаларини тўғри қўллашни талаб этади.

Мусобақа илғорларини рағбатлантириш, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиққан энг яхши корхоналар, цехлар ва бригадаларга кўчма байроқлар, фахрий ёрлиқлар бериш системасини тамомила такомиллаштириш керак, токи мукофот учун топшириладиган маблағларнинг камида 75 проценти моддий бойликни вужудга келтираётган ишчиларга берилсин.

Касаба союзларнинг ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари ишчи ва хизматчилар оммасини олтинчи бешйиллик планни муваффақиятли бажариш учун сафарбар қилишга бўйсундирилиши лозим.

Касаба союзларнинг меҳнатни нормалаштириш ва ишҳақи масалаларига э'тиборини кучайтирайлик

Ўртоқлар! Партия ва Ҳукумат меҳнатни нормалаштириш ва ишҳақи масалаларига доим кўп э'тибор қилиб келдилар. Ишҳақи меҳнат унумдорлигини ошириш-нинг ва ишчилар ҳамда хизматчиларнинг моддий фаровонлигини юксалтиришнинг кучли воситасидир. Касаба союзлар ва хўжалик органлари ходимларнинг ўз меҳнат самараларидан моддий манфаатдорлигини оширишдан иборат ленинча принципнинг амалга оширилишини та'минлашлари лозим. ВЦСПС ва касаба союзларнинг Марказий Комитетлари урушдан кейинги йилларда меҳнат ва ишҳақи масалалари билан чинакамига шуғулланмай қўйилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўз докладида буни жуда тўғри кўрсатди.

Министрликлар ишлабчиқаришдаги айрим вазифаларни ҳал қилиш, ишга ҳалақит берадиган камчиликларни тугатиш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлашнинг кўп системаларини жорий қилган эдилар. Аммо мақсадга эришилганидан кейин рағбатлантириш системалари қайтадан кўриб чиқилмади, балки бу системалар ўз-ўзича давом эттирилаберди. Саноатнинг бошқа тармоқларидаги каби кўмир саноатида ҳам тариф ставкалари ўзгартирилмай қолди, тариф ставкаларига ҳарқандай қўшимчалар киритиш, чунончи нормани ошириб бажараборган сари прогрессивка тўлаш, коксланучи кўмир чиқарганлиги учун мукофот бериш, цикли ишлаш учун мукофот бериш ва бошқа хилдаги қўшимча ҳақ тўлаш авж олиб кетди. Масалан, «Карагандауголь» комбинатидаги 107—108-нчи шахтада ишловчи комбайн машинистининг ёрдамчиси Ўртоқ Колонин 1955 йилнинг октябрь ойида ишлаган ишҳақи 6.355 сўм бўлган. Ишбай усулида ҳақ тўлаш баҳолари бўйича тўланган 2.172 сўм миқдоридаги ишҳақидан ташқари, нормани 80 процент бажарилишидан бошлаб прогрессивка усулида тўланган 1.653 сўм, коксланучи кўмир қазиб чиқариш планини ошириб бажарганлиги учун тўланган 1.406 сўм миқдоридаги мукофот, цикл нормативларини ошириб бажарганлиги учун 1.068 сўм миқдоридаги мукофот ва 56 сўм миқдорида бошқа хилдаги қўшимча тўловлар ана шу ҳисобга кирарди. Демак, тўланган ишҳақида тариф ставкасининг ҳиссаси атиги 25 процентни ташкил этган.

Ана шундай қўшимча тўловлар нималардан иборат? Ҳақиқатда бундай тўловлар айни бир хил кўрсаткич учун, я'ни планни бажарганлик учун бериладиган турли мукофотлардан иборат. Кўмир саноатидаги ишчиларнинг ишҳақига нисбатан тарифнинг салмоғи 57 процентни, айрим жойларда эса ҳатто 25 процентни ташкил этади.

Бу мисол хўжалик органларининг ишҳақи системасини белгилашга нотўғри қараётганликларини кўрсатади.

Ёғоч-тахта тайёрлайдиган саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан ишҳақининг ортиши ўртасида нормал бўлмаган нисбат вужудга келган. Бешйилликда меҳнат унумдорлиги 26 процент орттани ҳолда ишчиларнинг ўртача ишҳақи 30 процент кўпайган. Ёғоч тахта тайёрловчи саноат механизмлар билан кўп миқдорда та'минланганлигига қарамай, ана шу механизмлардан яхши фойдаланмаслик, шунингдек меҳнатнинг қонқарсиз уюштирилиши орқасида шундай аҳвол рўй бермоқда.

Кўпгина корхоналарда иш нормалари ҳали ҳам техника ютуқларини ҳисобга олмай белгиланмоқда. Корхоналарнинг раҳбарлари техника жиҳатидан асосланган нормаларни ишлаб чиқишга э'тибор қилмаётирлар. Ишчиларнинг иш ҳақини иш нормаси белгиламайди, балки норма иш ҳақининг эришилган даражасига етказиб борилади. Тажриба-статистика нормалари ҳозирги вақтда ҳам прогрессив техника нормаларидан устун туради.

Инженер-техник ходимларнинг ва хизматчиларнинг ишҳақини ташкил этишда ҳам жиддий камчиликлар бор. Хизматчиларнинг ишҳақини давлат йўли билан нормалаштириш соҳасида молия министрлиги техника ва иқтисодий асосланган нормаларни қат'ият билан жорий қилиш, нормаларни кампания тариқасида қайтадан кўриб чиқишдан воз кечиш ва ишлабчиқариш технологияси ҳамда ишлабчиқаришни ташкил қилишда ўзгаришлар рўй берганида ва меҳнат унумдорлигини оширишни та'минлайдиган бошқа хилдаги иш шароитлари рўй берганида ана шу нормаларни қайтадан кўриб чиқиш керак.

Раҳбар ходимлар ва инженер-техник ходимларнинг меҳнат ҳақи шартларини қайтадан кўриб чиқиш керак, токи улар оладиган ишҳақининг бир қисми ҳам ишдаги асосий иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ бўлсин.

СССР Молия министрлиги ма'мурий-идора аппаратининг структурасини соддалаштириш асосида лавозимлар бўйича тўланадиган окладлар схемасини ишлаб чиқиши зарур.

Ишчи ва хизматчиларнинг эҳтиёж ва талабларини қондириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилайлик

Ўртоқлар! Совет социалистик давлати киши ва унинг эҳтиёжлари тўғрисида, кишининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. Жамият тарихида илгари ҳечқачон бундай аҳвол кўрилмаган эди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев партия Марказий Комитетининг ҳисобот докладида иш кунини 7 соатгача, ўсмирлар ва саноатнинг айрим тармоқларидаги етакчи касбларда ишчиларнинг иш кунини 6 соатгача камайтириш, дам олиш куни арафасида ва байрам арафасида иш кунини 2 соат қисқартириш ҳақидаги, айрим корхоналарда икки кун дам олиш шарти билан беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш тўғрисидаги масалани кўтарди. Бу масала сиёсий жиҳатдан ва халқ хўжалиги нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар партия томонидан белгиланган ана шу катта тадбирларни меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини юксалтириш тўғрисидаги ғамхўрликни кўрсатувчи янги далил деб билиб, баланд руҳ билан кутиб оладилар. **(Қарсаклар).**

(ДАВОМИ БЕШИНЧИ БЕТДА)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XX С'ЕЗДИ

Ўртоқ Н. М. ШВЕРНИК нутқининг охири

(БОШИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Капитализм шароитида иш кунининг ярмидан кўпроғи фойда ҳосил қилишга, капиталистларни бойитишга сарф қилинади. Буржуа экономистларининг унча аниқ бўлмаган ҳисобларига қараганда, америкали ишчи ўз иш кунининг тахминан 60 процентини капиталистга бепул ишлаб беришга сарф қилади. Америка меҳнат федерацияси касаба союз бирлашмаси — ишлабчиқариш касаба союзлари конгресси раисининг ҳозирги ўринбосари Рейтер ўтган йилнинг 9 ноябрида Детройтда сўзлаган нутқида қуйидагиларни кўрсатди: «Энг йирик автомобиль монополияси «Женерал моторс» кейинги тўққиз ой ичида ҳар соатда 300 минг доллар фойда олди, бу монополия кунига 7 миллион 200 минг доллар фойда кўрди. Монополия ишчининг иш ҳақи шаклида олган ҳарбир доллари эвазига бир доллар 22 цент фойда кўрди».

Совет ишчиси ўзи учун, ўз давлати учун ишлайди. Совет мамлакатидаги меҳнаткаш киши иш кунининг ҳарбир соати коммунистик қурилиш ишига ва халқнинг фаровонлигини ошириш ишига сарф бўлади. Ишчилар ва хизматчилар қисқартирилган иш куни мобайнида маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтирмай, балки кескин суратда ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва унинг таннархини янада камайтириш учун касаба союзларнинг актив иштироки ва ёрдами блан бутун чорани кўрадилар. **(Қарсаклар).**

Иш кунининг қисқартилиши муносабати блан ишчи ва хизматчилар дам оладиган вақтнинг кўпайтирилиши касаба союз ташкилотларидан меҳнаткашларга маданий хизматни яхшилашни ва хўжалик органлари блан биргаликда техника та'лимини янада юксак даражага кўтаришни, барча ишчилар, инженерлар, техниклар ва хизматчиларнинг ишлабчиқариш малакасини ошириш соҳасида, илғор иш тажрибаларини ва фан ҳамда техниканинг энг янги ютуқларини пропаганда қилиш соҳасида тегишли тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Касаба союзлар ва уларга қарашли маданий муассасаларнинг 10 мингдан ортиқ клуб ва маданият саройлари, 104 минг қизил бурчак, 9,5 минг кино установка ва 17 минг кутубхонанинг бутун оммавий-маданий иши ана шу вазифаларни бажаришга қаратилади.

Касаба союзлар тартибга солинган иш куни режимидан коммунизм қурилишининг муваффақиятларини кўпайтириш манфаатларини кўзлаб максимал даражада фойдаланиш учун бутун кучларини сафарбар қиладилар.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун меҳнат шароитини яхшилаш катта аҳамиятга эгадир. Бешинчи бешйилликда техника хавфсизлигини ва ишлабчиқариш санитариясини яхшилаш учун 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарф қилинди.

Корхоналарда меҳнат шароитини яхшилаш соҳасида кўрилаётган тадбирлар касалланиш сонини камайтиришга ва меҳнат унумдорлигини оширишга катта та'сир кўрсатди; меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлиги юзасидан нафақа тўлашга бўладиган харажатлар камайди.

Капиталистик мамлакатларда касалланиш ва корхоналарда майиб бўлиб қолаётган кишилар сони тобора ортмоқда, корхона эгалари меҳнатни муҳофаза қилишга ва техника хавфсизлигига маблағ сарфлашни ортиқча зийнат деб ҳисоблайдилар. Собиқ меҳнат министри Уолтер Монктоннинг айтишича, Англияда корхоналарда шикастланиш ва турли касбларга хос касалликлар натижасида ҳар йили салкам 20 миллионга яқин киши куни бекорга сарф бўлмоқда. Францияда 1952 йилдан 1954 йилгача корхоналардаги бахтсиз ҳодисалар сони 15 процент ортган. Ғарбий Германия корхоналарида майиб бўлаётган кишилар сони ғоят ортмоқда. Бунга зўр бериб қуролланиш кўп жиҳатдан сабаб бўлмоқда. 1955 йилнинг биринчи ярмидагина Ғарбий Германиядаги корхоналарда 1 миллион 117 минг киши майиб бўлган.

Бизнинг мамлакатимизда майиб бўлиш, шикастланишни тугатиш ва касалланишни камайтириш учун кураш—хўжалик ва касаба союз органларининг бурчидир. Ана шу органларнинг биргаликда кўраётган тадбирлари шубҳасиз яхши натижалар берди. Лекин шундай бўлса ҳам кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари касаба союз органларининг йўл қўйиб бериши орқасида ишлабчиқариш биноларини шамоллатиб туриш, ёритиш, иситиш ишларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётирлар.

Кундуз ёруғини берадиган лампалар каби ёритишнинг янги воситаси суст жорий қилинмоқда. Иваново областидаги бир қанча тўқимачилик корхоналарида сун'ий ёритиш системаси шу қадар эскириб қолганки, иш жойларини ёритиш нормадагидан 7—10 баравар кам. ВЦСПС ҳузуридаги меҳнатни муҳофаза қилиш институти ишлабчиқариш шароитида текшириш ўтказди. Ана шу текшириш материаллари ёритишни яхшилаш ҳисобигагина меҳнат унумдорлигини 5—10 процент ошириш мумкин эканлигини аниқ кўрсатиб берди.

Хўжалик раҳбарлари ишчиларни махсус кийим ва махсус пойафзал блан узлуксиз та'минлаб туриш масалаларига жуда суст э'тибор бермоқдалар. Махсус кийим ва махсус пойафзалларни етказиб берадиган корхоналар бу буюмларни жўнатиш топшириқларини бажармаётирлар. Масалан, бу корхоналар Кузнецк металлургия комбинатига 1955 йилда 1.518 жуфт пийма, Олтой трактор заводига 2.300 кўн пойафзал, 600 жуфт пийма, 1.300 та пахталик костюм, 1000 та комбинзон ва 25 мингта қўлқопни кам берганлар.

Тўқимачилик саноати министрлиги махсус иш кийимларининг сифати паст эканлиги тўғрисида ишчилардан тушган кўп-кўп шикоятларга э'тибор бермаётир. Тайёрланган костюм ва халатлар бир марта ювилганидан кейин яроқсиз бўлиб қолади.

Махсус иш кийимлари ва махсус пойафзал ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, бепул иш кийимлари бериш юзасидан бирхил нормалар белгилаш ҳамда иш кийимларини савдо шохобчаларида сотишни кенгайтириш керак. Ҳозирги вақтда савдо шохобчаларида махсус иш кийимлари жуда кам сотилмоқда.

Совет Иттифоқида социал страхование кенг миқ'ёсда амалга оширилмоқда. Социал страхование ишчи ва хизматчиларни пенсиялар блан ва касал бўлганда, инвалидликка чиққанда, қариганда, аёллар ҳомиладор бўлган ва бола туққан пайтда нафақалар блан та'минлайди.

Олтинчи бешйилликда социал-маданий эҳтиёжларга чиқариладиган маблағларни 1955 йилдаги 154 миллиард сўмдан 1960 йилда 210 миллиард сўмгача ошириш кўзда тутилади.

Бизнинг партиямиз кексаликда ва инвалидликка чиққанда бериладиган пенсиялар миқдорини оширишни мўлжаллади. Совет халқи бу тадбирни Коммунистик партиянинг коммунизм қураётган кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи далил деб билиб, зўр мамнуният блан кутиб олади.

Совет касаба союзлари кенг жамоатчилик контролига таяниб, ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой-маиший шароитини яхшилаш учун курашмоқдалар. Партия бизга контроль қилиш—идора қилиш функцияси, деб та'лим бермоқда. Меҳнаткашларнинг ўзлари ҳокимият тепасида турган жамиятдагина ишчиларни ва хизматчиларни жамоат контролини амалга оширишга жалб этиш мумкин.

Хўжаликка бошчилик қилиш мактаби, бошқариш мактаби бўлган касаба союзлар қуйидан бўладиган танқидга бошчилик қилишлари, камчиликларга қарши шафқатсиз кураш олиб боришлари, бу камчиликларни йўқотишга сабот блан эришишлари керак.

Олтинчи бешйилликда давлат маблағлари ҳисобига жам'и 205 миллион квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланади. Бу, бешинчи бешйилликдагига нисбатан қарийб 2 баравар кўпдир. Уй-жой қурилишининг ана шу буюк планидаги ҳарбир процент 2—3 хонали 40 мингга яқин квартирадан иборат бўлади. Касаба союз ташкилотлари уй-жой қурилиши юзасидан белгиланган топшириқларнинг барча бошқармалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилиши учун зўр ғайрат блан кураш олиб бориши керак эканлиги ана шулардан ма'лум.

Агар биноларни хўжаликнинг кўзини билиб тежамли қилиб қурадиган бўлсак, қурилиш қийматини камайтириш, қурилиш муддатларини қисқартириш, ишда индустриал методларни жорий қилиш ҳақида, архитектура соҳасидаги ортиқчаликларга йўл қўймаслик ҳақида партия томонидан берилган кўрсатмаларга қаттиқ риоя қиладиган бўлсак, бу топшириқни ошириб бажариш учун барча имкониятларга эгамиз.

Умумий овқатланишни яхшилаш ишида контроль ўрнатиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Касаба союз органлари умумий овқатланишни ривожлантиришни сра эсдан чиқармасликлари керак. Умумий овқатланиш меҳнаткашларнинг турмушини социалистик асосларда қайта қуришга ёрдам беради.

ВЦСПС ишчи ва хизматчиларнинг бюджетларини текшириб чиқди. Бу текшириш шуни кўрсатадики, 1954 йилда ҳарбир оила ҳисобига умумий овқатланиш учун сарф бўлган маблағ ўрта ҳисобда 42 сўмни ташкил этган. Ошхоналарнинг етишмаётганлиги орқасида ишловчиларнинг кўпи ва уларнинг оила а'золари умумий ошхоналардан фойдаланмаётир.

Масалан, Коломнодаги Куйбишев номли паровозсозлик заводидаги ошхонада кундузги сменаларда ишчиларнинг ярмигина овқатланаолади.

Кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари умумий овқатланишни уюштириш тўғрисида ғамхўрлик қилмай қўйдилар, улар ошхоналарда ўз-ўзига хизмат қилиш усулини жорий қилиш учун йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст кураш олиб бормоқдалар. Бу ўз-ўзига хизмат қилиш усули ошхоналар ва буфетларда овқатланувчилар сонини кўпайтириш имкониятини беради. Касаба союз ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари ўртасида аҳолига хизмат кўрсатишнинг прогрессив формаларини жорий қилишга халақит бераётган қолоқ кишилар оз эмас.

Машинасозлик заводларидан бирининг директори Кареглазов ўз мактубида «ишчиларнинг ошхоналарида ўз-ўзига хизмат қилиш маданиятсизлик бўлиб, эскириб қолган формадир» деб ёзади. Афтидан, бу директор ишчиларнинг ошхоналарда узоқ вақт ушланиб қолишларига, кўпларининг эса овқатсиз қолишига одатланиб қолган бўлса керак. Бундай қолоқликка хотима бериш лозим. Жамоат контроли савдо-сотиқнинг юксак маданияти учун, меҳнаткашларга хизмат кўрсатишдаги нуқсонларни йўқотиш учун курашни кучайтиришга, овқатнинг сифатини яхшилаб, баҳосини камайтиришга ва ошхоналарнинг ишларини намунали уюштиришга қаратилиши керак. Жамоат контролини амалга ошириш, контрольлик ишларига доим раҳбарлик қилиш ва контроль давомида кўтарилган масалаларни тўла-тўкис ҳал этиш—касаба союзларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Корхоналарда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашда коллектив шартнома муҳим роль ўйнайди. Коллектив шартнома ишлабчиқариш планини бажариш, ишчиларнинг маданий талаблари ва моддий-маиший эҳтиёжларини қондириш юзасидан хўжалик раҳбарлари ва завод комитетларининг иккитомонлама мажбуриятларини ўз ичига олади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев кўпгина касаба союз органларининг коллектив шартномаларни бажармаётган хўжалик раҳбарларига нисбатан муросасозлик блан муносабатда бўлаётганликларини тўғри танқид қилди. Бундай камчиликка қарши қаттиқ курашмоқ керак. Ишчи ва хизматчилар ўз касаба союзларини ўзларининг манфаатларини совет қонунларини бузувчилардан ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида кўришни истайдилар. Касаба союз ходими учун партиянинг меҳнаткашлар фаровонлигини юксалтиришга қаратилган қарорларини, Совет давлатининг қонунларини оғишмай бажариш учун кураш олиб боришдан ҳам фахрлироқ вазифаси йўқ.

* * *

Ўртоқлар! Пролетар интернационализми идеяларига содиқ бўлган совет касаба союзлари бошқа мамлакатлардаги касаба союзлар блан халқаро алоқаларини тинмай мустаҳкамламоқдалар ва кенгайтирмоқдалар. Кейинги тўрт йил ичида 74 мамлакатдан 500 га яқин касаба союз ва ишчи делегацияси Совет Иттифоқига келиб кетди. Бу эса чет эллардаги ишчи ташкилотлар блан алоқани анча ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини берди. Америка, Япония, Англия касаба союзларининг маҳаллий бўлимлари яқинда совет касаба союзлари блан алоқани кенгайтириш ва делегациялар айрибошлаш тарафдори эканликларини билдирдилар.

Биз, ана шу тўғридаги баёнотни самимий табриклаймиз ва барча касаба союз ташкилотлари блан, уларнинг сиёсий ва диний маслаклари қандай бўлишидан қат'ий назар, дўстона алоқалар ўрнатиш фойдали деб ҳисоблаймиз. Аммо ба'зи бировлар бизнинг фикримизга қўшилмаётирлар. Масалан, касаба союзлар меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун курашда бирхил вазифаларни бажаришлари лозим бўлгани ҳолда, эркин касаба союзлар халқаро конфедерациясининг раҳбарлари Жаҳон касаба союзлар федерацияси блан ва бу федерацияга кирган миллий бирлашмалар блан биргаликда ҳаракат қилишга қарши чиқмоқдалар.

Совет касаба союзларининг ўз ишларини Коммунистик партия раҳбарлиги остида амалга ошираётганлиги, Совет Иттифоқида стачкалар ва иш ташлашлар йўқлиги уларга ёқмаётир.

Дарҳақиқат, совет касаба союзлари ишчилар синфининг партияси, унинг илғор отряди бўлган Коммунистик партия раҳбарлиги остида ишламоқдалар. Мамлакатимизнинг ишчилар синфи Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида капитализм зулмидан озод бўлди, контрреволюцияга ва чет эл интервенциясига қарши олиб борилган жангларда ўзининг шон-шарафи ва озодлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, социалистик жамият қурди ва Ленин кўрсатиб берган йўлдан коммунизм сари зўр ишонч блан олға бормоқда. **(Қарсаклар).** Бизнинг партиямиз ишчи ва хизматчиларнинг доимо ўсиб бораётган моддий эҳтиёжларини қондиришда касаба союзларнинг ролини оширмоқда. Партия совет касаба союзларини ишчилар, деҳқонлар, интеллигентларнинг ўзлари тўла ҳуқуқли хўжайини бўлган социалистик давлатнинг қудратини мустаҳкамлаш учун курашга сафарбар қилаётган экан, унда ажабланурлик ҳеч нарса йўқ.

Партия ва совет халқининг монолит бирлиги дун'ёдаги барча прогрессив кишиларни қувонтираётган бўлса ҳам, бу бирлик душманларимизга ёқмаётир. Нима қилайликки, «эркин» касаба союзлар раҳбарларининг меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини барбод этиб империалистлар блан бирлашаётганликлари ҳам бизга ёқмайди. Ҳаммага ма'лумки, ўнг социалистларнинг империалистлар блан ана шундай ҳамкорлик қилиш сиёсати капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг турмуш даражасини пасайтиришга, ишсизлар сонининг кўпайишига, қимматчиликнинг авж олишига сабаб бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти э'лон қилган ма'лумотларга қараганда, 1948 йилдан 1954 йилгача ишчиларнинг турмуши Бразилияда, Греция, Исландияда тахминан икки баравар, Франция, Норвегия, Японияда бир ярим баравар, Дания, Голландия, Италия, Испания, Канада, Англияда 20—32 процент қимматлашган.

Совет Иттифоқида меҳнаткаш киши томонидан вужудга келтирилган моддий бойликларнинг ҳаммаси жамиятга—меҳнаткашларнинг ўзларига қарашлидир. Бизнинг мамлакатимизда реал иш ҳақи камаймай, балки йил сайин кўпаймоқда. 1955 йилда саноатда реал иш ҳақи 1940 йилдагига нисбатан 91 процент ортди.

Ана шу муваффақиятлар ишчилар синфи бирлигининг душманларини қаттиқ ғазаблантирмоқда ва уларнинг нафратини қўзғотмоқда. Улар ақл-идрок блан ишлашни бир ёққа йиғиштириб қўйиб, совет касаба союзлари блан капиталистик мамлакатлардаги касаба союзлар ўртасига нифоқ солиш ниятида совет касаба союзлари тўғрисида кабиҳ тухмат гапларни тарқатмоқдалар. Аммо «эркин» касаба союзларнинг раҳбарлари тушунаолмаётган ёки тушунишни истамаётган нарсаларни ишчилар жуда яхши англайдилар. Америка меҳнат федерацияси—ишлабчиқариш касаба союзлари конгрессининг раиси Мини жанобларининг ватандоши Хиллард Эллис америка ишчи делегацияси составида Совет Иттифоқига келган эди. Хиллард Эллис совет ишчиларининг ҳаёти ва турмуш шароити блан танишиб чиқди ва Совет Иттифоқига қилинган сафар тўғрисида ҳисобот ёзди. У Америкада э'лон қилинган бу ҳисоботда Совет Иттифоқида иш ташлашларнинг йўқлигига ва бўлиши мумкин эмаслигига нима сабаб эканлигини жуда яхши тушунтириб берди. Хиллард Эллис бундай деб ёзди: «Ўзи учун уй бино қилаётган дурадгорнинг иш ташлаб, бу блан ўзи учун ва ўз оиласи учун уй-жой қурилишига тўсқинлик қилишини қандай қилиб тасаввур этиш мумкин? Совет ишчиси ўзига уй қураётган дурадгордир». Бу тўғрида америкали ана шу ишчи айтганидан кўра яхшироқ бир нарса айтиш қийин.

Мини жаноблари совет касаба союзларининг стачкалар уюштириб, коммунизм қурилишига халақит беришларини истар эди. Шу блан бирга унинг ўзи капиталистик корхоналарда ишчилар томонидан ташкил этилаётган стачкаларга қарши норозилик билдирмоқда.

Мини жаноблари яқинда саноатчилар миллий ассоциацияси с'ездида сўзлаган нутқида бундай деди: «Мен бутун ҳаётимда ҳечқачон иш ташламадим, иш ташлашларга ҳечқачон бошчилик қилмадим, бирор кишига иш ташлашни ҳечқачон буюрмадим ва пикет қўйишга ҳечқачон, ҳечқандай алоқам бўлмади». Мини жаноблари касаба союзлар эркинлигини ана шу ма'нода тушунади. Бошқа мамлакатлардаги ишчилар каби америка ишчиларининг ҳам ана шу сиёсатга, «эркин» касаба союзлар сиёсатига қўшилмасликлари тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Совет касаба союзлари ишчилар ҳаракатининг бирлигини амалга ошириш учун курашадилар ва эркин касаба союзларнинг халқаро конфедерациясини меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари учун, бутун дун'ёда тинчлик учун биргаликда ҳаракат қилишга чақирадилар. **(Қарсаклар).**

Совет касаба союзлари касаба союзларнинг ҳуқуқлари учун курашиб келдилар ва бундан кейин ҳам курашадилар. Австрия ички ишлар министри Гельмер жаноблари ўз сафларида Европа, Осиё, Латин Америкаси, қора Африка мамлакатларидаги ишчи ва хизматчилардан 85 миллиондан ортиқ кишини бирлаштирган Жаҳон касаба союзлари федерациясининг фаолиятини тақиқлаш тўғрисида полиция «ҳукми»ни чиқарди. ВЦСПС ана шу «ҳукм»га барча касаба союзлар номидан қаттиқ норозилик билдирди. Бутун прогрессив инсоният ўз бошимчалик блан қилинган ана шу ишни Жаҳон касаба союзлари федерацияси бирлаштирган меҳнаткашларнинг шон-шарафи ва виждонини шармандаларча таҳқирлаш деб қаттиқ қоралади.

Совет касаба союзлари дун'ёнинг барча мамлакатларидаги касаба союзлар блан қардошлик алоқаларини кенгайтирадилар ва кучайтирадилар, халқаро ишчилар ҳаракати сафларидаги бирликни мустаҳкамлайдилар.

Ўртоқлар! Олтинчи бешйиллик план тўғрисидаги Директивалар проекти ишчиларнинг, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ғоят кенг иштироки блан ишлаб чиқилди. Кейинги ярим йил ичида ишчиларнинг неча юз минглаб йиғилишлари ўтказилиб, корхоналарнинг бешйиллик планлари муҳокама қилинди. Ишлабчиқаришни ривожлантиришга, меҳнатни яхши уюштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган жуда кўп қимматли таклифлар тўпланди.

Меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ташаббуси ва ишлабчиқариш соҳасида тўпланган бой тажрибаси олтинчи бешйилликда халқ хўжалигининг айрим тармоқларини ривожлантириш вазифаларини тўла-тўкис қилиб белгилашга, социалистик саноат, транспорт, МТС ва совхозлар эга бўлган жуда катта имкониятларни топишга ёрдам берди. Янги бешйиллик план мамлакатимиз халқларининг орзу ва тилакларини ифода этади ва социалистик хўжалик системасининг капиталистик хўжалик системасига нисбатан ғоят устун ва афзал эканлигини бутун дун'ёга намойиш қилади. **(Қарсаклар).** Бу улуғ планнинг бажарилиши натижасида тинчлик, демократия ва социализм кучлари уруш кучлари устидан, мустамлака асорати ва капиталистик қуллик устидан янгидан-янги ғалабаларга эришади.

Бутун совет халқи олтинчи бешйиллик планни якдиллик блан ма'қуллаб кутиб олмоқда ва бу планни муваффақиятли бажариш учун ўзининг бутун куч-ғайратини сафарбар қилади.

Коммунистик қурилишнинг планда белгиланган улуғвор перспективалари совет кишиларида улуғ Ватанимиз учун, меҳнаткашларнинг синалган йўлбошчиси доно Коммунистик партия учун фахрланиш ва самимий қувонч туйғуларини оширади. **(Қарсаклар).** Бизнинг мамлакатимизда партия блан халқ ажралмасдир. Совет кишилари Коммунистик партияни астойдил севадилар, унга чексиз ишонадилар. Совет кишилари бу партиянинг коммунизм қурилишдан иборат буюк байроғига сидқидил блан содиқдирлар. **(Қарсаклар).**

Коммунистик партия ўзининг бузилмас ғоявий ва ташкилий бирлиги туфайли, ленинчи Марказий Комитет теварагига темирдек жипслашганлиги туфайли кучлидир. Ленинчи Марказий Комитет партиянинг коллектив иродасини, унинг совет халқи ғалабаларининг ташкилотчиси ва илҳомчиси сифатида иш кўриб тўплаган бой тажрибаларини ўзида гавдалантиради.

Партия Марказий Комитети XIX с'ездан кейин коллектив раҳбарликнинг ленинча принципини қайтадан тиклади. Бу принцип партиямиз бутун фаолиятининг мустаҳкам асоси бўлиб қолди, марксизм-ленинизмни ижодий тарзда татбиқ этишни та'мин этди ва та'мин этмоқда, ҳозирги вазиятни ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни ҳисобга олишни, қабул қилинадиган қарорларнинг тўғри чиқарилишини ва бу қарорларни амалга ошириш учун курашда ғоят принципиал бўлишни та'мин этди ва та'мин этмоқда.

Совет касаба союзлари партия XX с'ездининг қарорларидан илҳомланиб, ишчи ва хизматчиларнинг ижодий ташаббусини олтинчи бешйиллик планни тўла ва ошириб бажаришга, коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабаларга эришишга сафарбар қиладилар.

Партиянинг XX с'ездини ишонтириб айтаманки, совет касаба союзлари бундан буён ҳам Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси, марксизм-ленинизмнинг ғолиб идеяларини тўла амалга ошириш учун актив курашчи бўлиб қоладилар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқ М. З. САБУРОВ нутқи

Ўртоқлар! Партиямизнинг XIX с'ездидан буён унча кўп вақт ўтган эмас, лекин шу вақт ичида мамлакатимизда жуда катта сиёсий ва иқтисодий тадбирлар амалга оширилди, бу тадбирлар Совет давлатининг қудратини янада кўпроқ мустаҳкамлади, унинг халқаро обру-э'тиборини янада оширди, ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини яна кўпроқ мустаҳкамлади, социалистик экономикани янада кучли суратда юксалтириш учун шарт-шароит туғдирди.

Бешинчи бешйиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши натижасида мамлакатнинг юксалиб кетган қудратига таяниб, партиямиз халқ олдига янги вазифалар қўймоқда, бу вазифаларнинг бажарилиши бизга коммунизм қурилиши йўлидан анча олға бориш имкониятини беради.

Бу вазифалар Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганин ўртоқларнинг докладларида ҳамда Коммунистик партия XX с'ездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик плани юзасидан берилган ва бутун халқнинг қараб чиқиши ҳамда муҳокамаси учун э'лон қилинган Директивалари проектида ифодаланган.

Партиямизнинг ва бутун совет халқининг келажакда қиладиган иши тўғрисида Хрушчев ва Булганин ўртоқларнинг докладларида баён қилинган кенг программанинг якдиллик блан ма'қулланаётганлиги бу программанинг тўғрилиги ва реаллигига, ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида социалистик хўжалик системаси блан капиталистик хўжалик системасининг тотув яшаши тўғрисида, ҳозирги даврда урушларнинг олдини олиш мумкинлиги тўғрисида, турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш йўллари тўғрисида ғоят катта принципиал аҳамиятга эга бўлган бирқанча масалаларнинг ўз вақтида тўғри қўйилганлигига ҳечқандай шак-шубҳа қолдирмайди.

Маркса-ленинча назариянинг бу энг муҳим масалаларининг Марказий Комитет томонидан ижодий равишда ишланиши партиямизга ва четаллардаги Коммунистик партияларга ўзларининг амалий ишларида конкрет вазиятни ва ижтимоий тараққиётнинг юз берган тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олиб тўғри йўл тутиб иш олиб боришларига имкон беради.

Шу с'езд қарамоғига тақдим қилинган Директивалар проектида оғир саноатни устун даражада ривожлантириш асосида халқ хўжалигини янада ҳартомонлама тараққий қилдириш, қишлоқ хўжалик ишлабчиқарилишини кескин суратда юксалтириш ҳамда совет халқининг моддий фаровонлигини ва маданий ҳаёт даражасини янада анча ошириш кўзда тутилади. Шу блан бирга социалистик экономикани узлуксиз равишда ва тез сур'ат блан юксалтиришнинг энг муҳим шарти сифатида техника прогрессини тезлаштириш ва ижтимоий меҳнатнинг унумдорлигини ошириш зарурлигига алоҳида э'тибор берилади.

Директивалар проектида кўзда тутилган халқ хўжалигини ривожлантириш сур'атлари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлабчиқаришни юксалтиришнинг ҳажми ва кўлами СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини,—иқтисодий жиҳатдан, я'ни аҳоли жонбошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилишда олға қараб анча ҳаракат қилишимизни та'минлайди.

Биз ҳозирги вақтда бу вазифани нисбатан қисқа муддат ичида ҳал қилиш учун ҳамма зарур шарт-шароитларга ва имкониятларга эгамиз.

Урушдан илгариги 13 йил давомида биз мамлакатимизни қолоқ мамлакатдан илғор мамлакатга, аграр мамлакатдан индустриал давлатга айлантирдик.

Урушдан илгариги бешйилликлар давомида саноат ишлабчиқаришининг ўсиши блан олтинчи бешйиллик план топшириқларининг абсолют миқдорларини таққослаб кўринг. Шунда сиз олтинчи бешйиллик хўжаликни ривожлантириш сур'атлари жиҳатидан урушдан илгариги бешйилликларни жуда орқада қолдириб кетишини кўрасиз. Масалан, урушдан илгариги бешйилликлар мобайнида чўян эритиш 11 миллион тоннадан ошиқроқ кўпайган эди, олтинчи бешйилликнинг беш йили ичида эса бу кўпайиш деярлик 20 миллион тоннани ташкил этади. Урушдан илгариги бешйилликлар ичида СССРда пўлат эритиш 14 миллион тонна кўпайган бўлса, олтинчи бешйилликнинг бир ўзида 23 миллион тоннани ташкил этади.

Урушдан илгариги бешйилликлар ичида кўмир чиқариш 130 миллион тонна кўпайган бўлса, олтинчи бешйилликнинг бир ўзида 202 миллион тонна кўпаяди. Ниҳоят, урушдан илгариги бешйилликлар ичида нефть чиқариш 19 миллион тоннадан ошиқроқ кўпайган бўлса, олтинчи бешйилликнинг бир ўзида 64 миллион тонна кўпаяди.

Дуруст, биз аҳоли жонбошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш миқдори жиҳатидан ҳам, ҳали ҳозирча саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми жиҳатидан ҳам ҳали АҚШга етиб олганимиз йўқ. Лекин АҚШдаги саноатнинг ўсиш сур'атларидан кўп марта устун турувчи бизнинг ривожланиш сур'атларимиз бизга бу қолоқликни тарихан жуда қисқа муддат ичида бартараф қилиш имкониятини беради. Тинч хўжалик қурилишининг бутун тажрибаси Совет Иттифоқи ўзининг асосий иқтисодий вазифасини муваффақият блан ҳал қилаётганлигидан гувоҳлик беради. Агар бизга халақит бермасалар, биз бу вазифани тез вақт ичида ҳал қилишимизга заррача ҳам шак-шубҳа йўқ. Бизга ҳаммадан бурун урушлар халақит беради. Совет Иттифоқининг яшаб келаётганлигига 38 йил бўлди. Бу даврдан қарийб 18 йили биз мажбуран тортилган урушларга ва урушлар натижасида вайрон бўлган хўжаликни тиклашга кетди.

Ма'лумки, иккинчи жаҳон уруши саноатимизнинг тараққиётини тахминан икки бешйиллик ҳажмида тўхтатиб қўйди. Қилинган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар шу уруш натижасида СССРда тинч хўжалик қурилиши узилиб қолмаганда эди, биз урушдан кейин ва тиклаш даврида эришган ишлабчиқаришнинг юксалтириш сур'атлари блан борганимизда, СССР саноати 1955 йилда қарийб 75 миллион тонна пўлат, 560 миллион тонна кўмир, 125 миллион тонна нефть, 250 миллиард киловатт-соат электр қуввати, 40 миллион тонна цемент ишлаб чиқарган бўлар эди. Шу блан бирга биз олтинчи бешйилликда Директивалар проектида белгиланган ўсиш сур'атлари блан борганимизда саноат ишлабчиқаришининг умумий ҳажми жиҳатидан АҚШдаги ҳозирги ишлабчиқариш даражасига етиб олган ва бирқанча энг муҳим маҳсулот турлари жиҳатидан бу даражадан ошиб кетган бўлар эдик.

Капиталистик система блан қилаётган иқтисодий мусобақамизда айниқса муҳим момент шундан иборатки, СССР оғир саноати энг муҳим саноат маҳсулотларининг абсолют ўсиши миқдорлари жиҳатидан ҳам асосий капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетабошлади.

Масалан, сўнгги беш йил ичида АҚШда чўян эритиш 10,6 миллион тонна кўпайди, Ғарбий Европадаги уч мамлакатда (Англия, Франция, Ғарбий Германияда) ҳаммаси бўлиб чўян эритиш 13 миллион тонна кўпайди, СССРда эса 14 миллион тонна кўпайди.

Сўнгги беш йил ичида пўлат эритиш АҚШда 17 миллион тонна кўпайди, Ғарбий Европанинг юқорида кўрсатилган уч мамлакатида ҳаммаси бўлиб 16,7 миллион тонна кўпайди, СССРда эса қарийб 18 миллион тонна кўпайди.

Шу блан бирга та'кидлаб ўтмоқ зарурки, бутун жамиятнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш асосий ҳаракатлантирувчи стимул ва туб мақсади бўлган социализм экономикаси ўз моҳияти жиҳатидан, ўз табиати жиҳатидан тинчлик экономикасидир. Шу сабабли ҳам социалистик қурилишнинг буюк вазифаларини муваффақият блан амалга ошириш учун бизга урушнинг кераги йўқ. Бизнинг экономикамиз худди тинчлик йилларида тез сур'атлар блан ривожланиб борди ва ривожланмоқда, ҳолбуки АҚШ экономикаси кўп жиҳатдан урушлардан озиқланиб ривожланади, айниқса шу асрда бўлган ва АҚШ иштирок қилган урушларнинг ҳаммаси АҚШнинг территориясида бўлмаганлиги учун ҳам, унинг экономикаси урушлардан озиқланиб келди.

Ўртоқлар, бу пропаганда эмас, бу—рад қилиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқатдир. Уруш ва тинчлик йилларида бизнинг саноатимизнинг ўсиш кўрсаткичлари блан АҚШ саноатининг ўсиш кўрсаткичларини таққослаб кўринг. Агар тинч хўжалик қурилишининг урушдан илгариги йилларини (1927—1940 йиллар) олиб қаралса, бизнинг саноатимиз ҳар йили маҳсулот ишлаб чиқаришни 18,6 процент кўпайтириб келди, АҚШ саноати эса ҳаммаси бўлиб атиги 2 процент кўпайтириб келди. Агар иккинчи жаҳон уруши йилларини олиб қарасак, у вақтда уруш натижасида юз берган жуда катта вайронликлар орқасида СССР саноати маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтираолмади, шунинг учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш унда 1945 йилда 1940 йилга нисбатан фақат 92 процентни ташкил этди, ҳолбуки, шу давр ичида АҚШ саноати ўз маҳсулотини 60 процент кўпайтирди. Уруш тамом бўлиб, тинч қурилиш даври бошланиши блан бизнинг саноатимиз яна тез сур'атлар блан ривожланиб кетди. 1948—1955 йиллар ичида СССР саноати маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар йили 16,6 процент кўпайтириб келди. АҚШ саноати эса, ҳаммаси бўлиб 4,1 процент кўпайтирди.

Ана шундан ҳам равшан кўриниб турибдики, социализм дун'ёсига урушларнинг кераги йўқ, урушлар фақат капиталистик монополияларга керак. Америка ва Англиянинг империалистик доиралари экономикани милитаризациялашни кризисларнинг олдини олиш, саноат ишлабчиқаришининг эришилган даражасини сақлаб қолиш учун бирдан-бир чора, деб билмоқдалар.

Совет Иттифоқи томонидан гўё уруш хавфи борлиги тўғрисида Америка Қўшма Штатларида, Англияда ва бошқа мамлакатларда, ба'зи доиралар томонидан тарқатилаётган да'воларнинг бема'нилиги ва тухматдан иборат эканлиги равшан эмасми?

Социализм манфаатлари блан капитализм манфаатларининг қарама-қаршилигини исбот қилиб бералиган бундан ҳам кучлироқ далиллар бўлиши мумкинми. Биз ана шу ма'лумотларга асосланиб, босқинчилик урушлари бизнинг истакларимизга, мақсадларимизга ва вазифаларимизга ётдир ва нафрат блан қараладиган урушлардир, чунки бу урушлар капитализм блан тинч иқтисодий мусобақада, коммунистик жамият қурилишида олға қараб ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилади, деб тасдиқлайоламиз.

* * *

Ўртоқлар! Партиямиз Марказий Комитетининг олтинчи бешйиллик план юзасидан Директиваларининг XX с'езд қарамоғига тақдим қилинган проекти урушдан кейинги йилларда тинч хўжалик қурилиши соҳасида эришилган натижаларга суянади ва бу проект тинч шароитда янада ривожланишга мўлжалланиб тузилгандир.

Олтинчи бешйилликда халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан берилган Директивалар проектини совет халқи ма'қулламоқда ва якдиллик блан қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг умумий вазифамиз, барча партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифаси — социалистик қурилишнинг ҳамма участкаларида, ҳамма корхоналарда, қурилишларда, колхозларда, совхозларда бешйиллик планнинг муваффақият блан бажарилишини та'минлашдан иборатдир. Бу вазифани муваффақиятли суратда бажармоқ учун биз техника прогрессини тезлаштиришимиз, меҳнат унумдорлигини янада анча оширишни та'минлашимиз, хўжаликка раҳбарлик қилиш даражасини жиддий суратда оширишимиз, ишлабчиқаришни планлаштириш ва бошқаришни янги, янада юқорироқ босқичга кўтаришимиз лозим.

Социалистик хўжалик системасининг афзаллиги ўз-ўзича планларимизнинг муваффақиятли бажарилишини та'минлайолади, деб ўйлаш хато бўлур эди. Тажриба шуни кўрсатадики, бутун куч-қувватни максимал даражада сафарбар қилмасдан, бутун ташкилотчилик ва хўжалик ишимизни доимо мукаммаллаштириб бормасдан туриб, планларнинг муваффақиятли бажарилишини та'минлаш мумкин эмас.

Партия Марказий Комитети ва Ҳукумат сўнгги вақтларда хўжаликка раҳбарлик қилиш соҳасидаги бутун ишимизни яхшилашга, шу жумладан, планлаштиришни яхшилашга қаратилган бирқанча тадбирларни кўрдилар. Мен планлаштириш блан боғлиқ бўлган ба'зи масалаларга, бу ишдаги камчиликларга ва бу камчиликларни тугатиш чораларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммадан бурун мен с'ездга халқ хўжалигини планлаштиришни яхшилаш юзасидан кўрилаётган чоралар тўғрисида сўзламоқчиман.

Социалистик экономика ўз табиатига кўра, планли экономикадир; капиталистик хўжаликнинг стихияли тараққиёт қонунлари ва унга хос бўлган сакрашлар ҳамда тушкунликлар, кризислар ва ларзалар бизнинг социалистик экономикамизга ётдир. Лекин бундан, бизнинг халқ хўжалигимизнинг тараққиётида ҳечбир шароитда қийинчиликларнинг юз бериши, номувофиқлик ва диспропорцияларнинг юз бериши мумкин эмас, деган хулоса чиқмайди.

(ОХИРИ ОЛТИНЧИ БЕТДА)

Ўртоқ М. З. САБУРОВ нутқининг охири

(БОШИ БЕШИНЧИ БЕТДА)

Социалистик ишлабчиқариш тараққиётининг об'ектив қонунлари автоматик тарзда амал қилмайди. Бу қонунларнинг талабларини ҳартомонлама ўрганиш ва планларимизда бу талабларни тўғри ҳисобга олиб иш кўришгина халқ хўжалигида юз берадиган номувофиқлик ва диспропорциянинг олдини олишга ҳамда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тез сур'ат билан ривожлантиришга имкон беради.

Бу жиҳатдан, кўп нарса умумдавлат планлаштирувчи органларига боғлиқ, бу органлар планларни тайёрлаш ва уларнинг бажарилишини текширганда уларда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини планли, пропорционал ривожланишини та'минлашлари лозим. Бунинг қанчалик муҳимлигига биз бешинчи бешйиллик планининг бажарилиши давомида ишонч ҳосил қилдик. бешинчи бешйиллик планнинг бажарилиш якуни шуни кўрсатадики, ўтган бешйилликда планни тузиш ва уни бажаришда юқорида кўрсатилган талаблар тўла-тўкис та'минланган тақдирда, хўжалик қурилишимизнинг ютуқлари янада кўпроқ бўлар эди. Буни исбот қилмоқ учун мен фақат биттагина мисол келтиришни лозим топаман. Бешинчи бешйилликнинг иккинчи ярмида кўмир саноатининг ривожланиши халқ хўжалигининг тобора тез ўсиб бораётган эҳтиёжларидан орқада қолаётганлиги ма'лум бўлди. СССРнинг Европа қисмида жойлашган, кўп ёқилғи сарф қиладиган саноат тармоқлари ёқилғи етишмаслиги орқасида қийинчилик кечирабошладилар.

КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат томонидан оператив чоралар кўрилиши натижасида бешйиллик охирига келиб кўмир чиқариш анча кўпайтирилди, бу эса, халқ хўжалигининг ёқилғига бўлган кундалик эҳтиёжларини умуман та'минлашга имкон берди. Агар бешйиллик планни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тадбирларини кўриш чоқда, халқ хўжалигининг ёқилғи исте'мол қиладиган тармоқлари томонидан топшириқларни фақатгина бажаришни эмас, балки ошириб бажаришни ҳам та'минлайдиган миқдорда етарли даражада ёқилғи резерви тайёрлаш кўзда тутилганда, бундай чораларни кўришнинг зарурати бўлмас эди.

Бу факт планларда пропорцияларни тўғри белгилаш ва номувофиқлик ҳамда диспропорцияларнинг ўз вақтида олдини олиш нечоғлик муҳим эканлигини кўрсатади, чунки диспропорциялар юз бергандан кейин, уларни бартараф қилиш одатда халқ хўжалиги учун кўпгина нобудгарчилик ва қўшимча харажатларга сабаб бўлади. Ишлабчиқаришнинг кўлами қанча кенг бўлса, диспропорциялар шунча кўп хавфли бўлади, шунинг учун бизнинг планлаштиришимиз айниқса кўпроқ илмий жиҳатдан асосланган бўлиши талаб қилинади. Бу ишда перспектив планлаштириш айниқса катта аҳамиятга эгалир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети урушдан кейинги даврда планлаштириш тажрибасини назарда тутиб ва уни янада мустаҳкамлаш ҳамда мукаммаллаштириш мақсадида, 1955 йил июнида давлат планлаштиришини яхшилаш тадбирлари тўғрисида ва СССР Госплани ишини қайта қуриш тўғрисида қарор қабул қилдилар. СССРнинг илгариги Госплани ўрнига СССР Министрлар Советининг халқ хўжалигини перспектив планлаштириш Давлат комиссияси (СССР Госплани) ва халқ хўжалигини жорий планлаштириш юзасидан СССР Министрлар Советининг давлат иқтисод комиссияси (СССР Госэкономкомиссияси) тузилди.

Перспектив планлаштириш юзасидан Давлат комиссиясининг тузилиши перспектив планлар тузиш ва уларнинг бажарилишини текширишга соҳасидаги бутун ишларни янги даражага кўтариши лозим. Бутун халқ хўжалиги юзасидан бўлсин, айрим тармоқлар юзасидан бўлсин ҳамда ҳарбир корхона, қурилиш, колхоз ва совхоз юзасидан бўлсин, перспектив планларнинг ишлаб чиқилиши жуда катта уюштируви аҳамиятга эга бўлади. Бу эса келажак яқин йиллар ичида ҳарбир корхонанинг тараққиёт йўлини, унинг ихтисослаштирилишини, корхоналар ўртасида энг рационал алоқаларни йўлга қўйишни белгилаб беришга ва шу асосда ишлабчиқаришни юксалтиришнинг қўшимча резервларини аниқлашга имкон беради.

Жорий планлаштириш юзасидан Давлат иқтисод комиссиясининг тузилиши йиллик планларни тузишни яхшилаш, уларнинг бажарилиши устидан контрольни кучайтириш, ишлабчиқаришни юксалтиришнинг қўшимча резервларини аниқлаш, юз берадиган номувофиқлик ва диспропорцияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф қилиш учун зарур шарт-шароит туғдириб берди.

Госплан қайтадан қурилгандан буён 8 ой вақт ўтди, ҳозир биз, бу соҳада кўрилган чоралар тамомила тўғри бўлиб чиқмоқда, деб айтаолмаймиз.

СССР Госплани ўзининг бутун диққатини ва куч-қувватини олтинчи бешйиллик план юзасидан Директивалар проектини ишлаб чиқишга, СССР Госэкономкомиссияси эса бутун диққати ва куч-қувватини 1956 йил планининг проектини ишлаб чиқишга қаратгани натижасида, ҳар иккала проект бир вақтда параллель тайёрланди ва жуда қисқа муддат ичида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига тақдим қилинди.

Госэкономкомиссиянинг йиллик план проектини ўз вақтида тайёрлаб берганлиги СССР Министрлар Советининг Президиумига бу планни манфаатдор республикалар, министрликлар ва бошқармалар иштирокида диққат билан қараб чиқиш ва 1956 йил бошланишидан бир ярим ой илгари тасдиқлаш имкониятини берди.

Шунинг натижасида давлат планининг асосий топшириқларини планлаштирилучи йил бошланишига қадар корхоналарга ва қурилишларга етказиш та'минланди, бу эса, ма'лумки, бу корхона ва қурилишларнинг нормал ишлашини йил бошиданоқ уюштириш учун ғоят катта аҳамиятга эгалир.

Янги шароитда планлаштиришнинг юқорида кўрсатилган ижобий тажрибасини биз, албатта, хўжаликка планли равишда қилишнинг жиддий суратда яхшиланиши томонига қўйилган дастлабки қадамлар, деб қараймиз. СССР Госпланининг ва СССР Госэкономкомиссиясининг вазифаси — давлат планлаштириш ишини ҳам перспектив планлаштириш жиҳатидан, ҳам жорий планлаштириш жиҳатдан тинмай мукаммаллаштириб боришдан, халқ хўжалигини планлаштириш юзасидан қиладиган ҳамма ишларда ҳартомонлама координацияларштириш ва мустаҳкам алоқани та'минлаб туришдан иборат. Шунингдек, статистикамизнинг иқтисодий даражасини ҳам юқори кўтариш, статистика органларининг ишларини яхшилашни та'минлаш зарур.

Ўртоқлар!

Умумдавлат планлаштириш ишининг яхшиланиши иттифоқ ва иттифоқ-республика министрликларининг, республика ва маҳаллий органларнинг хўжаликка раҳбарлик қилишдаги ролини ва жавобгарлигини ҳартомонлама ошириш зарурлигини, тормоқлар бўйича планлаштиришни ҳамда бевосита корхоналарда, қурилишларда, колхозларда ва совхозларда планлаштиришни узлуксиз мукаммаллаштириб бориш зарурлигини назарда тутади.

Шу билан биз планлаштиришнинг бирбири билан чамбарчас боғлиқ бўлган икки томонини асло унутмаслигимиз лозим. Улуғ Ленин планлаштиришнинг моҳиятини та'рифлаб айтган эдики, бизнинг планларимиз давлат планларидир, яъни меҳнаткашлар оммасига берилган топшириқдир, бажарилиши мажбурий бўлган қонундир. Шу билан бирга, — деган эди Ленин, — планлаштириш тараққиётимизни тез сур'ат билан олиб бориш соҳасида янги имкониятлар очиб берадиган, планларимизни белгиланган муддатдан илгарироқ бажариш учун уларни яхшилашга, мукаммаллаштиришга ва ўзгартиришга ёрдам берадиган омманинг ижодий ташаббускорлигига суянниш лозим. Ана шу икки томонни ҳисобга олмай туриб, ҳақиқий илмий планлаштиришнинг бўлиши мумкин эмас.

Сўнгги вақтларда партия Марказий Комитети ва Ҳукумат бирқанча тадбирлар кўриларки, бу тадбирларнинг амалга оширилиши планлаштириш ва хўжаликка раҳбарлик қилиш ишини анча яхшилашни та'минлайди.

Ма'лумки, Партия ва Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини планлаштириш соҳасида биз томондан йўл қўйилган жиддий камчилик ва хатоларни очиб ташлади, бу камчилик ва хатолар планлаштиришни ҳаддан ташқари марказлаштириб юборишдан ҳамда шу билан бирга, колхозлар, МТСлар ва совхозлар учун белгиланган кўрсаткичлар сонини жуда ҳам ошириб юборишдан иборат эди. Бундай планлаштиришнинг ҳечбир зарурияти йўқ эди ва бундай планлаштиришни давлат манфаатлари ҳам, колхозлар ва колхозчиларнинг манфаатлари ҳам талаб қилмас эди. бундай планлаштириш колхозлар ва МТСларнинг ташаббусини бўғиб қўяр, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантиришда уларнинг мас'улияти ва манфаатдорлигини сусайтирар эди, колхозларга биркитиб қўйилган яроқли ер майдонидан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришга рағбатлантирмас ва колхозлар томонидан юқори даромад олиш имкониятини пасайтирар эди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан 1955 йилнинг бошларида планлаштириш соҳасида белгиланган янги тартиб колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг ташаббускорлигини авж олдиришга қаратилган бўлиб, бу тадбир қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришини янада кескин суратда юксалтириш ишида энг муҳим воситадир. Планлаштиришнинг бу тартиби қўлланилган биринчи йилдаёқ колхозларнинг хўжалик юргизиш ташаббуси экин майдонларининг структурасини яхшиланганлигида, қишлоқ хўжалик экинзорларидан тўғрироқ фойдаланилганлигида ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти оширилганлигида намоён бўлди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планини илгаригидек бир йилга мўлжаллаб эмас, балки икки йилга — 1956—1957 йилларга мўлжаллаб тасдиқ қилиниши ҳам қишлоқ хўжалигига планли раҳбарлик қилишни яхшилаш ишида муҳим чорадир, бу эса, колхозларга, МТСларга ва совхозларга йиллик ишлабчиқариш-молия планларини ўз вақтида тузишга, бу планларни колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўртасида кенг муҳокама қилишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини планлаштиришнинг янги тартибини амалга ошириш маҳаллий партия, совет ташкилотларига жойлардаги планлаштируви ва қишлоқ хўжалик органларига янада юқорироқ талабларни қўяди. Бу планлаштириш шу билан бирга СССР Госплани ва СССР Госэкономкомиссиясининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни перспектив ва жорий планлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини тўғри жойлаштириш ва айрим районларни ихтисослаштириш юзасидан олиб борадиган ишларини жиддий суратда яхшилашни талаб қилади.

* * *

Ўртоқлар!

Партия Марказий Комитетининг ташаббуси билан қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини планлаштириш практикасида юқорида кўрсатиб ўтилган принципиал ўзгартишлар билан бирқаторда саноатга раҳбарлик қилиш ишида республика органларининг роли ҳам жиддий суратда оширилди.

1954 ва 1955 йилларда 11 мингдан ошиқ саноат корхонаси республикалар қарамоғига берилди. Украина, Қозоғистон, Озарбайжон иттифоқчи республикаларида янги иттифоқ-республика министрликлари тузилди.

Республика саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган ҳамма турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашни планлаштириш иши бевосита иттифоқчи республикаларнинг Министрлар советлари қарамоғига ўтказилди.

Республика министрликлари ва ҳунармандчилик кооперацияси корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган фондли маҳсулот юзасидан СССР халқ хўжалигини та'минлаш давлат планларида фақат республика хўжалигининг эҳтиёжи учун фойдаланилмайдиган қисмигина тақсим қилинади. Умуминтифоқ ва иттифоқ-республика министрликларининг корхоналарида ишлаб чиқариладиган фондли маҳсулотнинг бирқанча муҳим турларидан иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари ихтиёрида 25 процентги қолдирилади, республикада умуман квартал планидан ошиқ ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича эса баъзи турлар юзасидан улар ихтиёрида 50 процент қолдирилади. Бу тартиб иттифоқчи республикалар Министрлар Советларининг ихтиёрига қўшимча материал ресурслар беради ва шу билан иттифоқчи республикалар министрликларининг ва иттифоқ-республика министрликларининг корхоналари томонидан планларни бажариш ва ошириб бажаришда уларнинг манфаатдорлигини оширади.

Иттифоқчи республика давлат бюджетининг ижро қилинишида топилган ва олинган қўшимча даромадлар шу республика Министрлар Совети томонидан уй-жой-коммунал хўжаликни ва социал-маданий тадбирларни, шу билан бирга, капитал қурилишларни маблағ билан та'минлаш учун фойдаланилади. Бу ҳол иттифоқчи республикаларга 1955 йилда бюджетнинг даромад қисми ошириб бажарилганлиги ҳисобидан давлат бюджетида кўрсатилгандан ташқари 700 миллиондан зиёдроқ сўмни ўз хўжаликларини маблағ билан та'минлашга имкон берди.

СССР Госэкономкомиссияси 1956 йил планини тайёрлаётган чоқда иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари вакиллари билан бирга республикаларнинг хўжалик планларининг проектларини диққат билан қараб чиқди ва бу планларни ҳарбир республика территориясида иттифоқ-республика ва иттифоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан берилган топшириқлар билан боғлаб қараб чиқди. Шу билан бирга, республикалар хўжаликларининг маблағларга ва материал ресурсларга бўлган талаблари тўлароқ хисобга олинди.

Республикаларнинг хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган давлат йўли билан капитал маблағ солишдар 1956 йил планида 1955 йилдагига нисбатан 26 процент кўпайтирилди, ҳолбуки, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан қилинадиган капитал ишларнинг умумий ҳажми 14 процент ўсади. Республикалар хўжаликлари эҳтиёжи учун марказлаштирилган фондлан ажратиладиган материал ресурсларнинг ҳажми анча кўпайтирилди.

Кўрилган тадбирлар хўжаликка раҳбарлик қилиш ишида ва республикаларнинг хўжаликларини планлаштириш ишини яхшилашда иттифоқчи республикаларнинг ролини янада оширади. Бизнинг вазифамиз — планлаштиришнинг янги практикасини диққат билан ўрганишдан ва шу асосда янада илгарилаб боришдан иборат.

Ма'лум бир республика территориясида жойлашган бутун хўжаликнинг ривожланишини контроль қилиб туриш юзасидан, ундаги корхоналарнинг кимга итоат қилишидан қат'и назар, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига кенгроқ функциялар бериш зарурлиги етилган бўлса керак. Жумладан, мен ма'лум бир республика территориясидаги корхоналарни жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш юзасидан кўрилган тадбирларни иттифоқ министрликлари ва иттифоқ-республика министрликлари қандай амалга ошираётганликларини контроль қилиб туришни кўзда тутаман, шу билан бирга, мен иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари томонидан бундай контролънинг ва ташкилий та'сир кўрсатишнинг йўқлиги натижасида бу ишда жиддий камчиликлар юз бераётганлигини назарда тутаман, буни тажриба кўрсатмоқда.

Хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилишда **министрлар,** бош бошқармаларнинг бошлиқлари ва корхоналарнинг директорлари **ҳуқуқларини кенгайтириш** юзасидан анча ишлар қилинди. Давлат планида тасдиқланадиган кўрсаткичлар, топшириқларнинг сони анча камайтирилди. Кўп хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни планлаштириш ва тақсимлаш иши бевосита министрликлар ва бошқармалар қарамоғига берилди.

Тажриба бу соҳада кўрилган тадбирлар ижобий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Броқ, шуни айтиб ўтмоқ керакки, министрликлар ва бошқармаларнинг айрим раҳбарлари ўзларига берилган ҳуқуқлардан етарлик равишда фойдаланмасликлари, хўжаликка раҳбарлик қилиш масалаларини мустақил ҳал қилишдан четлашишлари, турли баҳоналар билан кўпдан-кўп қарорлар ва тадбирларнинг проектларини тузиб, шулар билан ниқобланиб юришга уринишлари каби ҳоллар учраб туради, бундай проектларга кўпинча ҳечқандай эҳтиёж бўлмасада, улар шундай қарор ва тадбирларнинг проектларини тузиб ҳали ҳам кўплаб СССР Министрлар Советининг қарамоғига тақдим қилмоқдалар. Мен ўйлайманки, бу камчиликлар вақтинчалик ҳарактерда бўлиб, министрликлар ва бошқармаларнинг раҳбарлари томонидан бу аста-секин йўқотилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети хўжаликка раҳбарлик қилиш ишида министрлар ва бошқарма раҳбарларининг ҳуқуқларини анча кенгайтириш тўғрисида қарорлар чиқарганларида, бу раҳбарларнинг уларга топширилган иш учун жавобгарлигини ҳам ошириш лозимлигини кўзда тутган эдилар. Ана шу шартни бажарган тақдирдагина умумдавлат планлаштириш ишини халқ хўжалигининг тормоқларини, корхоналарни, қурилишларни, колхозларни ва совхозларни планлаштириш иши билан тўғрироқ боғлаб олиб бориш мумкин. Шу билан бирга, давлат планлари ҳам, шунингдек халқ хўжалигининг айрим тормоқларини ривожлантириш планлари ҳам умумдавлат манфаатларини ҳамда социалистик ишлабчиқаришнинг юксалиши учун мавжуд резервлардан максимал даражада фойдаланиш манфаатларини тўла-тўкис акс эттириши лозим.

Броқ, шуни кўрсатиб ўтмоқ керакки, министрликлар ва бошқармаларнинг айрим раҳбарлари хўжаликни планлаштириш ва унга раҳбарлик қилиш соҳасида ўз вазифаларини нотўғри тушунадилар, планлар тузганда ва уларни амалга оширганда ўз аппаратларининг бутун кучини давлатдан ортиқча маблағ ва ресурслар ундириб олишга қаратадилар, ҳолбуки улар бундай қилмасдан, балки мавжуд ички резервларни топиб олишлари ва улардан фойдаланишлари ҳамда шу билан давлат маблағларини максимал даражада тежаб-тергаб иш кўрган ҳолда, қабул қилинган планларнинг бажарилишини та'минлашлари лозим эди.

Сўзимнинг исботи учун мен айрим мисоллар келтириб ўтишни лозим топаман. Чунончи, 1955 йил планини тузганда баъзи министрликлар ва бошқармалар саноатда меҳнат унумдорлигини оширишни ўрта ҳисоб бланд 4 процент қилиб белгилашни таклиф қилган эдилар. Ҳукумат бу проектларнинг камчиликларини тузатди, натижада 1955 йилда меҳнат унумдорлиги ҳақиқатда 8 процент ошди. 1956 йил планини тузганда ҳам тахминан шундай ҳол юз берди, я'ни министрликлар томонидан тақдим қилинган проектларда меҳнат унумдорлигининг ўсиш имкониятлари камайтириб кўрсатилди, бунда ҳам Партия ва Ҳукуматга бу ишга аралашиб, уни тузатишга тўғри келди.

Меҳнат ва таннарҳи тўғрисида министрликларнинг таклифлари қабул қилинганда, 1956 йилда қўшимча равишда тахминан 2 миллион кишидан иборат ишчи ва хизматчи олиш, халқ хўжалиги бўйича ишқақи фондини 20 миллиард сўмдан кўпроқ ошириш ва маҳсулот таннархини 18 миллиард сўм ошириш лозим бўлар эди. Ҳўш, министрликларнинг бундай проект тузишларини тор идорачилик тенденцияларининг кўриниши деб айтмасдан, бошқача баҳолаш мумкинми? Министрликлар ва бошқармалар меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан топшириқларни камайтириб ва шу билан бирга иш кучи сонини ҳамда ишқақи фондини оширишни талаб қилиб, бирқанча ҳолларда ишлабчиқариш ҳажмини кенгайтириш юзасидан ўзларидаги имкониятларни камайтириб кўрсатишга уринадилар.

Мисол учун СССР Қора металлургия министрлигини олиш мумкин, бу министрлик 1956 йил планини муҳокама қилганда пўлат бўйича ҳукумат томонидан қабул қилинган проектдан 1,3 миллион тонна ва прокат бўйича 1,7 миллион тонна кам қилиб олишни қатъиқ туриб талаб қилди. Шуни кўрсатиб ўтмоқ керакки, бу министрлик 1955 йил планини тузганда ҳам металл ишлаб чиқариш юзасидан унга кампроқ топшириқ беришни талаб қилган эди. Ҳукумат бу таклифни рад қилди ва юқорироқ план қабул қилди, бу план эса фақат бажарилиб қолмай, балки ошиғи билан ҳам бажарилди: план чўян эритиш бўйича 570 минг тонна ва прокат ишлаб чиқариш бўйича 200 минг тоннадан ошиқ қилиб бажарилди. СССР Кўмир саноати министрлиги, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва баъзи бошқа министрликлар ҳам планларнинг камайтирилган проектларини тақдим қилган эдилар.

Шу билан бирга, министрликлар ва бошқармалар давлат томонидан капитал маблағ солишга ҳаддан ташқари оширилган заявкалар бердиларки, бу заявкалар халқ хўжалигининг мавжуд ресурслари билан ҳам, мазкур министрликларнинг эҳтиёжи билан ҳам ҳеч мослашмайди. Бирқанча министрликларнинг раҳбарлари халқ хўжалигининг имкониятлари ва ресурслари билан нақадар ҳисобламасликларини сезиб деларалар билсин учун, шуни айтиш кифоя, министрликлар 1956 йилги планда қабул қилинган капитал маблағ ҳажмидан ташқари яна қўшимча равишда 60 миллиард сўм ажратишни ёки 1955 йилда сарф қилинган капитал маблағлар умумий ҳажмининг учдан бир қисмидан кўпроқ қўшимча маблағ ажратишни талаб қилдилар.

Министрликлар ва бошқармалар 1955 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни камайтириб проект тузган ҳолда шу ишлабчиқаришни материал-техника билан та'минлаш юзасидан талаб қилинганидан кўра анча кўп заявкалар бердилар. Масалан, қора металларни прокат қилиш юзасидан берилган заявкалар 5 миллион тонна ошиқ қилиб кўрсатилган эди.

Менинг фикримча, Партия ва Ҳукумат томонидан тасдиқланган йиллик планларнинг ва бешйиллик планларнинг бажарилаётганлиги ва ошириб бажарилаётганлиги бизга планларнинг проектларида камайтирилган кўрсаткичлар тақдим қилучи юқоридаги министрликларнинг ҳаракатларини қоралаш ҳуқуқини беради. Тажриба, Ҳукумат томонидан ишлабчиқаришни юксалтириш юзасидан тасдиқланган топшириқлар, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан тасдиқланган топшириқлар давлат томонидан ажратилган маблағлар ва моддий ресурслар билан бажарилишини ва ошириб бажарилишини кўрсатмоқда.

* * *

Ўртоқлар!

Совет давлати ҳар йили халқ хўжалигини ривожлантиришга жуда кўп маблағлар сарф қилмоқда. Олтинчи бешйилликда капитал маблағлар солиш ҳажми 990 миллиард сўм миқдорида белгиланган.

Биз бу маблағлардан максимал даражада самарали фойдаланишимиз ҳамда қурилган корхоналарнинг тўла қувват билан ишламай қолишига йўл қўймаслигимиз лозим.

Ҳолбуки, тажриба, планларда ишлаб туручи корхоналарда кенгайган такрор ишлабчиқаришнинг имкониятларини биз мутлақо етарли даражада тўла-тўкис ҳисобга олмаётганлигимизни кўрсатади. Буни, жумладан, бешинчи бешйиллик планнинг бажарилиш якунлари кўрсатади. Ўтган бешйилликда янги ишлабчиқариш қувватларини ишга солиш плани анча бажарилмаган бўлса ҳам, лекин саноатнинг энг муҳим тормоқларида ишлабчиқариш плани ошиғи билан бажарилди. Масалан, проектда кўрсатилган станларни ишга солиш юзасидан берилган топшириқлар 4,8 миллион тонна бажарилмагани ҳолда, прокат ишлаб чиқариш плани 0,7 миллион тонна ошириб бажарилди; кўмир шахталари ва разрезларини ишга солиш юзасидан берилган топшириқлар 21 миллион тонна бажарилмагани ҳолда, кўмир чиқариш плани 18 миллион тонна ошириб бажарилди. Саноатнинг бирқанча бошқа тормоқларида ҳам шундай аҳвол юз берди.

Биз бинокор ташкилотларнинг ишини жиддий суратда яхшилаш зарурлиги билан бирқаторда, қурилиш муддатларини тезлаштириш ҳамда янги ишлабчиқариш қувватларини ишга солиш юзасидан берилган топшириқларни тўла бажариш мақсадида, мавжуд қувватлардан фойдаланишни яхшилаш ишини бўшатирмасдан, балки кучайтиришимиз лозим. Даставвал, қўшимча равишда давлат маблағлари сарф қилишни талаб қилмайдиган ёки камроқ чиқим билан амалга ошириш мумкин бўлган тадбирларни амалга ошириш ҳисобига ишлабчиқаришни юксалтиришнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланмоқ лозим. Бу соҳадаги имкониятлар эса озмунча эмас, шунинг учун ҳам саноатнинг кўпгина тормоқларида ва корхоналарнинг кўпчилигида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш даражасини анча ошириш мумкин.

Масалан, СССР Кўмир саноати министрлигида кўмир шахталарининг проект қувватларини ўзлаштириш соҳасида юз берган практикани олиб қаранг. Шу ҳол яққол фактдирки, йирик шахталарнинг кўпчилигида проект қувватлар бу шахталар ишга солингандан кейин орадан беш-олти йил ўтгач, баъзан эса, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт ўтгач, ўзлаштирилади. Масалан, Донбассдаги «Будённовскуголь» трестига қарашли «Правда» номидаги 12—18 сонли шахта 1949 йилда ишга солиниб, унинг проект қуввати бир суткасида 1000 тонна кўмир чиқаришдан иборат қилиб қўйилган бўлса ҳам, ҳозирги вақтда, я'ни шахта ишга солингандан буён орадан етти йил ўтгач, у бу проект қувватини фақат 42 процент ўзлаштирган. «Краснолучуголь» бис трестига қарашли 17—17 сонли шахта 1950 йилда ишга солиниб, суткасига 3 минг тонна кўмир чиқариш қувватидан иборат қилиб қўйилган бўлса ҳам, 1955 йилда бу қувватнинг фақат 39 процентини ўзлаштирди. Донецк ҳавзалари ва бошқа ҳавзалардаги бирқанча бошқа шахталарда ҳам аҳвол шундай.

Олтинчи бешйилликда хўжалик ва планлаштирувчи органлар корхоналарни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш ишини кенгайтириш ва тартибга солиш соҳасида катта иш қилишлари лозим. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми бу проблемани қат'ий қилиб қўйган эди. Бу проблема тўғрисида Хрушчев ва Булганин ўртоқлар ўз докладларида сўзлаб ўтдилар. Мен 1956 йилдаёқ бу соҳада кўпгина ишлар қилишимиз лозимлигини айтиб ўтмоқчиман.

Бу соҳада чинакам ишлаган министрликларнинг эришган натижалари ёмон бўлмади. Масалан, турбина заводларини ихтисослаштириш, машиналарнинг тип-ҳажми миқдорини камайтириш ва бир агрегатда қувватни ошириш натижасида айни бир ишлабчиқариш майдонида бир турбиналари ишлаб чиқариш ўтган бешйилликда 1 миллион киловаттдан кўпроқ ошди. Агарда ана шу тадбирлар амалга оширилмаганида, 400—500 миллион сўм турадиган янги турбина заводи қуриш лозим бўлар эди.

1956 йил планида ихтисослаштириш соҳасида, жумладан, заводларда чиқариладиган маҳсулотларнинг номенклатурасини чеклаш ҳамда турли заводларда бирхил буюмлар ишлаб чиқаришни норационал тақсимлашни бартараф қилиш юзасидан бирқанча тадбирлар кўриш мўлжалланган. Бу тадбир, биринчи галда, занас қисмлар, автомобиллар, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, дизеллар, турбогенераторлар, гидрогенераторлар, йирик электр машиналари, силовой трансформаторлар, электродвигателлар ва бирмунча бошқа хилдаги асбоб-ускуналар ва машиналар ишлаб чиқаришга тааллуқлидир.

Хўжалик органларимизнинг ўз бошқармаларининг манфаатини кўзлабгина иш кўришлари, министрликларнинг умумдавлат манфаатлари билан ҳисоблашиб ишлашни истамасликлари ва заводларо кооперацияни тор бошқармачилик доирасига албатта «тиқиб» қўйишга уринишлари — ана шуларнинг ҳаммаси ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг энг ёвуз душманидир. Бу эса турли хилдаги пала-партишликларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бу ярамас практика илдизидан қуритилиши лозим, бу қанча тезроқ йўқ қилинса, шунча яхшироқ.

Ўтган йили СССР Госэкономкомиссияси СССР Госплани билан бирликда ва маҳаллий партия ва совет органларининг иштироки билан Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқ районларида жойлаштирилган 68 корхонанинг ишини бу корхоналарнинг ишлабчиқариш қувватларидан фойдаланиш, уларни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш нуқтаи назаридан комплекс суратда текшириб чиқди. Текшириш натижасида ма'лум бўлдики, юқоридаги корхоналарни бошқаручи министрликлар ва бошқармалар уларни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш йўлидаги имкониятларни ҳечқандай ҳисобга олмасдан ҳамда уларнинг энг яқин районларнинг маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондиришни ҳечбир ҳисобга олмасдан, уларнинг бажарадиган ишларини планлаштириб келганлар. КПСС Марказий Комитети бу масала юзасидан тайёрланган таклифларни ма'қуллади ва бу таклифлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бу факт икки системанинг—социалистик система билан капиталистик системанинг—иқтисодий мусобақасида бизнинг энг қудратли иттифоқчимиздир. Бу фактнинг та'сири билан Совет Иттифоқи дўстларининг қаторлари кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда фақат халқ демократияси мамлакатларининг аҳолисигина эмас, балки бошқа мамлакатлардаги халқлар ҳам бизни қўллаб-қувватламоқдалар, бизнинг ишимизга хайрихоҳлик билан қарамоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўз халқининг ҳамда дуң'ёдаги барча оддий ва софдил кишиларнинг муқаддас орзуумидларини ифодалаб, бутун дуң'ёда тинчлик сиёсатини, ўз мамлакатини иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнатиш, биз билан бирга яшашни истаган дуң'ёдаги барча давлатлар билан тинч ҳамкорлик қилиш сиёсатини юргизиб келди ва бундан кейин ҳам оғишмай юргизади.

Ўртоқлар! Олтинчи бешйиллик планда бутун кўпмиллионли совет халқининг — коммунистик жамиятни яратучилар ва қуручиларнинг интилишлари гавдаланган. Улуғ совет халқи олдида олтинчи бешйиллик план Ватанимизнинг, дуң'ёда биринчи бўлиб ғалаба қозонган социализм мамлакатининг қудратини ва бойлигини янада юксалтириш йўлидаги янги перспективаларни очиб бермоқда. Бу перспективлар совет кишиларини коммунизмнинг тантанаси учун меҳнат соҳасида янги қаҳрамонликлар кўрсатишга илҳомлантиради. (Қарсаклар).

* * *

Ўртоқлар! Олтинчи бешйиллик план социалистик экономиканинг тўхтовсиз юксалиб боришини, халқнинг фаровонлиги тўхтовсиз ўсишини, маданият ва фаннинг гуллаб-яшнашини кўрсатадиган янада яққол далилдир. Бу планни бутун халқимиз якдиллик билан ма'қуллади. Барча совет кишилари илгариги планлар сингари, янги бешйиллик планнинг ҳам муваффақият билан бажарилишига маҳкам ишонганлар.

Улуғ Совет Иттифоқининг эришган ютуқлари халқнинг бахт-саодати учун, совет кишисининг бахтиёр ва қувноқ ҳаёти учун қилинаётган тинч ижодий меҳнатнинг тантанасидир.

Бу факт икки системанинг—социалистик система билан капиталистик системанинг—иқтисодий мусобақасида бизнинг энг қудратли иттифоқчимиздир. Бу фактнинг та'сири билан Совет Иттифоқи дўстларининг қаторлари кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда фақат халқ демократияси мамлакатларининг аҳолисигина эмас, балки бошқа мамлакатлардаги халқлар ҳам бизни қўллаб-қувватламоқдалар, бизнинг ишимизга хайрихоҳлик билан қарамоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўз халқининг ҳамда дуң'ёдаги барча оддий ва софдил кишиларнинг муқаддас орзуумидларини ифодалаб, бутун дуң'ёда тинчлик сиёсатини, ўз мамлакатини иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнатиш, биз билан бирга яшашни истаган дуң'ёдаги барча давлатлар билан тинч ҳамкорлик қилиш сиёсатини юргизиб келди ва бундан кейин ҳам оғишмай юргизади.

Ўртоқлар! Олтинчи бешйиллик планда бутун кўпмиллионли совет халқининг — коммунистик жамиятни яратучилар ва қуручиларнинг интилишлари гавдаланган. Улуғ совет халқи олдида олтинчи бешйиллик план Ватанимизнинг, дуң'ёда биринчи бўлиб ғалаба қозонган социализм мамлакатининг қудратини ва бойлигини янада юксалтириш йўлидаги янги перспективаларни очиб бермоқда. Бу перспективлар совет кишиларини коммунизмнинг тантанаси учун меҳнат соҳасида янги қаҳрамонликлар кўрсатишга илҳомлантиради. (Қарсаклар).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р.00661. Нашр. № 1382.